БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 84 (16.774). | 12 апрель 1977 йил, сешанба | Баҳоси 2 тийин.

ЧИГИТ ЭКИБ БЎЛИНДИ

АНДИЖОН, [«Совет Ўзбекистони мухбири]. Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига бошланган мусобақага қўшилиб ишлаётган Андижон области меҳнаткашлари чигит экишни ўтган йилдагига нисбатан ўн кун олдин тугалладилар. 184,4 минг гектар майдонга 10 иш кунида чигит ташланди. Шундан 30 минг гектарига туксизлантирилган чигит экилди. Барча майдонга чигит билан бирга ўғит солинди.

Юбилей йилида давлатга 610 минг тонна пахта етказиб беришни ўз олдига катта мақсад қилиб қўйган область пахтакорлари ҳозир гектарларни тўлдириш, ҳар гектар ерда 100 — 110 минг туп кўчат яратиш тадбирларини кўрмоқдалар. Бу йил баҳор қуруқ келди. Шунинг учун областнинг ок тупроқ майдонларига оммавий равишда чигит суви берилмоқда.

Дастлабки 30 минг гектар майдонда чигит қийғос униб чиқди. Бу майдонларда ғўза парвариши бошланиб кетди. Избоскан, Ленин, Марҳамат, Хўжаобод, Баликчи районларида экинларни дастлабки комплекс парвариш қилиш қизғин тус олди.

16 — апрель — коммунистик шанбалик куни

ТЕЖАЛГАНИ ҲИСОБИГА

Чирчиқ шаҳрида москваликларнинг 16 апрель куни коммунистик шанбалик ўтказиш ҳақидаги ташаббусига биринчилардан бўлиб «Чирчиқгельмаш» бирлашмасининг коллективи қўшилди. Бу ерда шанбаликни ташкил этиш ва ўтказиш штаби тузилди. Штабнинг дастлабки ҳисоб-китобига қараганда, доҳий В. И. Ленин туғилган куннинг 107 йиллиги ва Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига ўтказиладиган коммунистик шанбаликда 3500 ишчи ва мутахассис иштирок этади.

Октябрь юбилейи олди мусобақасининг зарбдорларидан — токарь Э. Маас, электр пайвандчи Г. Борисов, металл йўнувчи Н. Староватько каби бир неча илғор ишчи «Қизил шанбалик» куни энг юксак меҳнат унумдорлигига эришиш ташаббуси билан чиқди. Улар шанбалик куни смена нормасини икки ҳисса орттириб бажарадилар, барча маҳсулотни юқори сифатли қилиб тайёрлашга эришадилар.

Машинасозлар меҳнат байрами куни 50 минг сўмлик маҳсулот тайёрлайдилар. Тежаб қолинган электр энергия, газ ҳисобига культиватор, кўрак чувиш агрегатлари сингари қишлоқ хўжалик машиналари учун деталлар, эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилади.

ҚИЗҒИН ҲОЗИРЛИК

«Каршистрой» автомобилчилари 16 апрель куни ўтказиладиган коммунистик шанбаликда фаол қатнашиш учун қизғин ҳозирлик кўрмоқдалар. Улар машиналар қувватидан, иш вақтидан самарали фойдаланишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқдилар. Шу тадбирларнинг амалга оширилиши шанбалик куни 93 минг тонна бинокорлик материалларини Қарши даштини ўзлаштириш билан боғлиқ энг муҳим объектларга вақтида етказиб беришга шароит яратади.

Бир гуруҳ илғор шоферлар бу йил ишга туширилган Таллимаржон сув омбори қурилишига энг зарур юкларни ташиб беришга сафарбар этилади. Бу ерда Қарши чўлқуварлари билан ёнма-ён Тошкент, Бухоро, Сурхондарё автохўжаликларининг шоферлари ҳам меҳнат қиладилар. Улар янги сув омбори қурилишини тезлаштиришга муносиб ҳисса қўшадилар. Кўпгина шоферлар йил бошидан буён тежаб қолинган ёнилғи ҳисобига машиналар бошқарадилар.

ҲАМЖИҲАТЛИК БИЛАН

Республикамиз пахта тозалаш саноати корхоналарининг ишчилари ва мутахассислари «Қизил шанбалик»да энг яхши ишлаб чиқариш натижаларига эришиш учун ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилишга қарор бердилар. Сурхондарё областидаги Хайриобод пахта тозалаш заводининг коллективи 16 апрель куни 82 минг сўмлик маҳсулот тайёрлашга аҳд қилган. Хайриободликлар 65 тонна тола, 11 тонна момиқ, 100 тонна чигит ишлаб чиқарадилар. Хоразм областидаги Хонқа пахта тозаловчилари эса 60 минг сўмлик маҳсулот тайёрлайдилар. Андижондаги Ленинск пахта тозалаш заводининг азамат коллективи шу куни ёғ-экстракция саноати корхоналарига 150 тонна чигит жўнатади. 110 тонна маҳсулот темирйўл вагонларига юкланади.

ПАРТИЯ ТОПШИРИҒИ

Бутун мамлакатимиздаги каби республикамиз меҳнаткашлари ҳам КПСС XXV съезди олға сурган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун қизғин кураш олиб бормоқдалар. Бу умумхалқ кураши Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига тайёргарлик кўриш йўлидаги умумхалқ ҳаракати билан қўшилиб кетди. Коммунистлар экономика ва маданий қурилишнинг олдинги сафларида бормоқдалар. Улар ҳамма ишда шахсий ибрат кўрсатиб, партия сиёсатини оммаинг жонли ижоди билан қўшиб олиб бораётирлар. Хўжалик-сиёсий ва ғоявий-тарбиявий вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишига катта ҳисса қўшмоқдалар.

Партиянинг кучи коммунистларнинг ғоявийлиги, активлиги ва ижодий ташаббускорлигидадир. Коммунистларнинг активлиги эса кўп жиҳатдан унинг ўз партия ташкилоти фаолиятида нечоғлик актив қатнашувига, белгиланган тадбирларни бажаришдаги фаол иштирокига, партия ва жамоат топшириқларини сидқидиллик билан ўз вақтида ва намунали бажаришга боғлиқ. Ана шу сабабли коммунистик қурилиш авж олган ҳозирги шароитда ҳар бир партия ташкилотидан ўз аъзосининг кучғайратидан, тажриба ва билимидан самарали фойдаланиш, унинг ижтимоий ҳаётдаги ва ишлаб чиқаришдаги активлигини мунтазам ошира бориш талаб қилинади.

Партия топшириқларининг кўлами ниҳоятда кенг ва хилма-хилдир. Ҳозир республикамизда сайлаб қўйиладиган раҳбар партия органларида 128 мингдан кўпроқ коммунистлар фаол иш олиб бормоқда. Улар коммунистлар билан маҳкам боғланиб, уларнинг партия ва жамоат ишларидаги активлигини ошириш, партия ички демократиясини янада ривожлантириш, партиянинг омма ўртасидаги таъсир кучини мунтазам ўстира бориш юзасидан КПСС XXV съезди кўрсатмаларини амалга оширишда партия ташкилотларига яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар.

Чирчиқ шаҳар партия ташкилотларида бу соҳада айниқса ибратли ишлар қилинаяпти. Бу ерда шаҳар партия комитети, партком ёки партбюро аъзолари у ёки бу иш участкасига масъул қилиб белгиланган. Улар пленум ва бюро мажлисларини, партия йиғилишларини тайёрлашда актив қатнашадилар. Етарли малака ҳосил қилмаган коммунистларга зарур ёрдам кўрсатадилар. Улар меҳнаткашларни ватанпарварлик ва интернационализм руҳида, меҳнатга муҳаббат ва топширилган ишга юксак масъулият руҳида тарбиялашда, янги кишини камол топтиришда самарали иш олиб бораётирлар. Бу ўз навбатида партия ҳаётини янада жонлантириш, кадрларни ўстириш ва чиниқтиришнинг энг муҳим омили бўлиб қолди.

Меҳнаткашлар депутатлари Советларида, шунингдек касаба союзлари, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотлари фаолиятида актив иштирок этиш коммунистлар учун энг муҳим партия топшириқларидан ҳисобланади. Маҳаллий Советлар составидаги 90 мингга яқин депутатнинг кўпчилиги коммунистлар бўлиб, халқ хизматкори сифатида ўзларига билдирилган юксак ишончни намунали оқламоқдалар. Кўплаб ёш коммунистлар комсомол ишига тортилган, Партия ташкилотлари жамоат ишларида қатнашаётган коммунистларнинг ўзига топширилган вазифани қандай бажараётганини мунтазам назорат қилиб боришлари айниқса муҳимдир.

Коммунистларга берилган асосий партия топшириғи бошланғич ташкилот фаолияти билан узвий боғлангандир. Бу ерда партия аъзосининг лаёқати ва қобилияти нималарга қодир эканлиги яхши маълум бўлиб, уларнинг кучидан, билим ва тажрибасидан партия ташкилоти фаолиятни янада кучайтириш, иш усули ва услубини такомиллаштира боришда кенг фойдаланилади. Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи ана шунга қатъий амал қилиб, партком ёки партбюро аъзолари доирасидаги активларгагина эмас, балки барча коммунистларга, уларнинг кундалик актив фаолиятига таяниб иш олиб бормоқда. Завод коммунистларининг деярли барчаси доимий ёки муваққат партия топшириғига эга эканлиги, бу топшириқларнинг кўпи партия ташкилоти фаолияти ва ишлаб чиқаришни юксалтириш билан узвий боғлиқлиги партия комитети белгилаган ҳамма тадбирларнинг ўз вақтида ва тўла амалга оширилишига, план ва мажбуриятларнинг мунтазам ошириб бажарилишига сабаб бўлмоқда. Қўнғирот районидаги Чапаев номли совхоз ва Хонқа районидаги Охунбобоев номли колхоз партия ташкилотларида коммунистларга партия топшириқларини уларнинг тажрибаси, тайёргарлиги, қизиқиши ва лаёқатини ҳисобга олган ҳолда тақсимлашга қатъий амал қилинмоқда. Партия комитети бригада партия ташкилотлари ва партия группаларида коммунистларнинг берилган топшириқларни қай даражада бажараётганлиги тўғрисидаги ахборотларини эшитиб ва муҳокама қилиб боришни расм қилди. Қабул қилинаётган қарорларда партия қуйи звеноларига юқоридан топшириқ берилишини кутиб турмай ташаббус кўрсатиб ишлаш, ўринсиз баҳоналар билан жамоат ишидан четда қолаётган КПСС аъзоларига нисбатан талабчанликни кучайтириш, топшириқларнинг бажарилишини қаттиқ назорат қилиб бориш вазифалари қайд этилмоқда. Партия ташкилотлари фаолиятидаги бундай изчиллик партиявий иш самарадорлигини, ташкилий-тарбиявий ишлар таъсирчанлигини мунтазам ошира бориш имконини бермоқда.

Шу кунларда бир қатор партия ташкилотлари жойларда коммунистларнинг айтивлигини ва авангардлик ролини ошириш юзасидан қандай ишлар қилаётганлигини чуқур ўрганиш мақсадида фойдали тадқиқот ишларини ўтказмоқдалар. Жумладан, Шовот район партия комитети коммунистларнинг партия ва жамоат ишларида иштироки даражасини таҳлил қилиб чиққанида баъзи бошланғич партия ташкилотларида коммунистларнинг 12-16 проценти ҳеч қандай партия топшириғига эга эмаслиги маълум бўлди. «Нега? Нима учун?» деб берилган саволга «Топшириқ беришмади», «Вақтинча топшириқ эди, бажариб бўлдим, яна кутяпман» деган жавоблар олинди. Ҳолбуки ана шу бошланғич ташкилотларда партия топшириқлари нотўғри тақсимланиб, айрим коммунистларга иккиучтадан топшириқ бериб, ҳаддан ортиқ банд қилиб қўйилгани ҳолда, баъзи коммунистлар бўш қолдирилган. Бундай аҳвол кишиларда масъулият ҳиссини сусайтиради, топширилган ишга бефарқ ва юзаки қараш ҳолларини туғдиради.

Район партия комитети ишдаги бундай камчиликларни тугатиш тадбирларини белгилаб изчиллик билан амалга оширмоқда. Ана шу тадбирлар асосида бошланғич партия ташкилотлари коммунистлар билан яқиндан иш олиб борадиган, уларнинг активлиги ва ташаббускорлигини ошириш билан мунтазам шуғулланадиган бўлдилар. Ҳозир ҳар бир коммунист билан партком ёки партбюро аъзоларининг якка тартибдаги суҳбатлари ўтказилмоқда. Маълумки, сидқидилдан, очиқчасига ўтказиладиган бундай самимий суҳбатлар партия аъзосига вақти-вақти билан партиявий бурч тўғрисида эслатиб туриш ва айни пайтда партком ёки партбюронинг иш фаолияти тўғрисида коммунистнинг фикр ва мулоҳазасини, таклифини эшитиб бориш имконини ҳам беради.

Шуни ҳам айтиш керакки, редакция адресига келаётган коммунистларнинг сигналларида таъкидланишича, ҳамма партия ташкилотларида ҳам коммунистларга, айниқса ёш коммунистларга партия топшириги бериб, унинг активлигини ошириш тўғрисида етарли ғамхўрлик кўрсатилаяпти, деб бўлмайди. Баъзи жойларда коммунистларнинг қизиқиши, лаёқати ва тайёргарлигини ҳисобга олмай топшириқлар бериш ёки бу муҳим ишда расмиятчилик қилиш ҳоллари ҳам рўй бериб турибди.

Республикамиз партия ташкилотлари, КПСС XXV съезди ва партия Марказий Комитетининг 1976 йил октябрь Пленуми қарорларида қайд қилинганидек, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш билан яқиндан шуғулланмоқдалар. Шу муносабат билан кўп коммунистларга янги техникани жорий қилиш, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, маҳсулот сифатини ошириш, илғор тажрибаларни кенг ёйиш каби ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ топшириқлар ҳам берилаётир. Бу топшириқлар коммунистнинг ҳоҳиши, билими ва тажрибаси ҳисобга олинган ҳолда берилаяпти.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, партия аъзосига даставвал енгилроқ, унинг тажриба ва малакаси ошгани сари эса янада масъулиятли ва мураккаб топшириқлар бериб борган маъқул. Агар коммунист биринчи топшириқни бажаролмаса, ундан юз ўгирмай, аксинча, ёрдам бериш, сира ҳам эринмай у билан мунтазам иш олиб бориш лозим. Коммунист ўзига ишониб топширилган ҳар қандай ишни ҳам сидқидилдан бажаришга даъват этилгандир. Учинчи беш йиллик план-топшириқларини муддатидан илгари бажариш, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун умумхалқ социалистик мусобақаси авж олган шу кунларда мусобақанинг олдинги сафларида бориш. Коммунистик партия олға сурган вазифаларни изчил амалга оширишда авангардлик қилиш, халқ манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйиб, ўзининг бутун кучини, билими ва тажрибасини ана шу ишларга сафарбар қилиш коммунист учун энг муҳим партия топшириғидир. Урток Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленумида сўзлаган нутқида алоҳида таъкидлаганидек, «ҳар бир коммунист қаерда ишлаётганлиги, қандай лавозимни ёки амални эгаллаб турганлигидан қатъий назар, уюшқоқлик ва интизом, ишга ижодий муносабат намунасини, катта ва кичик вазифаларни ҳал этишга давлат нуқтаи назаридан ёндашиш намунасини кўрсатиши керак».

✦ МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ ШОНЛИ ОКТЯБРГА

✦ ҲАР ГЕКТАРИДАН 40 ЦЕНТНЕРДАН ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА

✦ ЧИГИТ ҚИЙҒОС УНИБ ЧИҚДИ

✦ «ҚИЗИЛ ШАНБАЛИК» ТАРАДДУДИ

✦ БИНОКОРЛАРНИНГ ШАРАФЛИ БУРЧИ

✦ ГЎШТ ТОПШИРИШ ПЛАНИ ОШИРИБ БАЖАРИЛДИ



НАМАНГАН ОБЛАСТИ. Уйчи районидаги Ленин номли колхоз миришкорлари чигит экишни қисқа фурсатларда тез ва сифатли экиб олиш учун курашяпти-лар. Сайфуддин Носиров бошлиқ бригадаси чигитнинг «Қизилравот» навини 90х10 схемасида экяпти. Бригада азаматлари съездлар йилида ҳосилдорликни гектар бошига 50 центнерга етказиш мажбуриятини олишган. Суратда: бригада далаларида чигит экиш пайти.

А. Юсуфбоев фотоси.

ЧОРВАДОРЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

САМАРҚАНД, [«Совет Ўзбекистони» мухбири]. Қоракўл қўйларини бўрдокига боқиш ва қоракўлчиликка ихтисослаштирилган Каттақўрғон чорвачилик базаси 1975 йилнинг иккинчи ярмида ташкил этилган эди. Комплекс Самарқанд областидаги қоракўлчилик хўжаликларидан бракка ажратилган қўйларни қабул қилиб, уларни боқиб семиртириш ҳисобига гўшт, жун ва қоракўл етиштиришда яхши натижаларга эришмоқда. 1976 йили қўйларни семиртириш ҳисобига 495 тонна қўй гўшти етиштирилди. Брак совлиқлардан 33 минг 700 дона қоракўл олинди. Давлатга 75 тонна жун топширилиб, йиллик план ошириб бажарилди.

Чорвачилик базаси коллективи ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилини ҳам яхши бошлади. Дастлабки мавсумда 12 минг 600 ўрнига 14 минг дона қоракўл етиштирилди ёки план 110 процент қилиб бажарилди. Биринчи квартал гўшт тайёрлаш план-топшириғи 113 процент адо этилди.

— Коллективимиз — дейди база директори Т. Хонқулов, — юбилей йилида ўз устига оширилган социалистик мажбурият қабул қилган. Биз областнинг гўшт ва қоракўл етиштириш планига муносиб ҳисса қўшиш йўлида фидокорона меҳнат қиляпмиз. Нурота ва Советобод районлари қоракўлчилик совхозларидан брак қилинган қўйларни комплексимизда бўрдоқига боқиб, шу ҳисобга 1405 тонна гўшт етиштирамиз.

Л. ЭРГАШЕВ.

Термизликлар ташаббусига қўшиламиз

ОЙДИН ЙЎЛ

Колхозимиз Янгиқўрғон районида комплекс ривожланаётган хўжаликлардан бири. Деҳқончиликнинг барча тармоғи ҳамда чорвачилик кескин ривожлантирилмоқда. Айниқса, пахтачиликда қўлга киритаётган ютуқларимиз диққатга сазовор. Тўққизинчи беш йилликда пахтанинг ялпи миқдори янада кўпайтирилди. Бу соҳада белгиланган план тўрт йилда бажарилди. Топшириқда кўрсатилган 16 минг тонна ўрнига 20300 тонна ёки планга қўшимча равишда 4300 тонна «оқ олтин» хирмони бунёд этилди. Ўтган йили эса 1065 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33 центнердан ошириб ҳосил йиғиб олдик. Энг муҳими, ингичка толали пахта етиштиришга дадил қадам қўйилди.

Хўжалигимизнинг Мучун зонасидаги ерлар қунгай, Бошқа майдонларга нисбатан бу ерда экин барвақт етилади. Шуни ҳисобга олиб мазкур жойларда ипак пахта етиштиришга киришдик.

Бу иш осонликча амалга ошмади. Энг муҳими, мутахассисларимиз ипак пахта агротехникасини чуқур ўрганишди, ипак пахта етиштириладиган хўжаликларда бўлиб, маслаҳатлар, йўл-йўриқлар олишди.

Шундай қилиб, ипак пахта етиштиришга дадил киришилди. Дастлабки йили 150 гектар ерга ингичка толали пахта чигити экилди. Пил бўйи қилинган меҳнат ва ҳаракатларимиз зое кетмади. Барча майдонлардан 30 центнердан хирмон кўтарилди. Усмон Муродов бошлиқ бригада 70 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан ингичка толали ипак пахта ҳосили йиғиб олди.

Йилдан-йилга ипак пахта экиладиган майдонлар кўпайтириб борилди. Ўтган йили 400 гектар ерга шу нав чигит экилди. Ундан кўтарилган хирмон ҳам чакки бўлмади. Кўпгина бригадалар бу навдан мўл ва арзон ҳосил етиштириш мумкинлигини исбот қилишди. Хўжалигимиз бўйича давлатга 1300 тоннадан ошириб юқори сифатли ипак пахта топширилди.

Ингичка толали пахта кони фойда экан. Ундан кўрилган иқтисодий самара чакки бўлмаётир. Ўтган йили деҳқонларимиз давлатга топширилган 1300 тоннадан кўпроқ ингичка толали пахта ҳисобига 1 миллион 100 минг сўмдан ортиқроқ даромад қилишди. Ҳолбуки, шунча миқдордаги ўрта толали навдан кўрилган даромад 700 минг сўмни ташкил этди, холос.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро ва Наманган областларида ингичка толали пахта етиштиришни янада кўпайтириш юзасидан қабул қилган қарорида ипак пахтанинг ойдин йўли кўрсатиб берилган. Колхозимиз аъзолари бу қарорга жавобан ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилида катта майдонларда ипак толали пахта етиштиришни планлаштиришди. Бу йил жами 1065 гектар пахта майдонининг 400 гектарида ингичка толали пахта етиштирилади. Ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш деҳқонларимизнинг мукаддас бурчидир. Бу йил 400 гектар майдоннинг ҳар гектаридан камида 40 центнердан ошириб ингичка толали пахта етиштиришни мўлжаллаяпмиз.

Ваъда вафоси билан гўзал, дейишади. Ишни олинган мажбурият асосида ташкил этганмиз. Кўклам экиш кампаниясига пухта тайёргарлик кўрилди, қишлоқ хўжалик техникаси барвақт ремонтдан чиқарилди, ер экишга сифатли тайёрланди. Барча майдонларда экишдан илгари нам тўпланди. Бу эса уруғнинг бир текисда тез униб чиқиши ва барвақт ривожланишини таъминлайди. Шу кунларда чигит экиш янада қизитиб юборилди. Экишда 18 та экипаж ишлаётир. Бу йил уруғни 60х15 схемаси асосида жойлаштиряпмиз. Шунда ҳар гектар ерда 110 минг тупдан 125 минг тупгача кўчат ҳосил бўлади.

Ингичка толали пахта экилган майдонларнинг ғўзасини парвариш қилишга алоҳида эътибор берамиз. Ғўза қатор ораларига механизация воситасида ишлов берилади, ҳар гектар ерга 5 тоннагача маҳаллий ўғит, 500 килограммгача минерал ўғит аралашмаси солинади. Оқ пахтага қараганда ингичка толали пахта экилган майдонларга 2-3 марта кўп сув берилади. Етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми машиналарда териб олинади.

Республика партия ва ҳукумати қарорида ипак пахта экиладиган майдонларни янада кенгайтириш вазифаси қўйилган. Бинобарин, биз хўжаликнинг Мучун зонасини ингичка толали пахта етиштиришга ихтисослаштирдик. Бу ер каналга яқин жойлашган. Бу эса экинзорларимизни бир меъёрда сув билан таъминлаш имконини беради. Ҳамма майдонларда мўл ҳосил етиштирилади. Келгуси йили ипак пахта экиладиган майдонларни 450 гектарга, 1980 йилга бориб эса 600 гектарга етказамиз.

Колхоз меҳнаткашлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 60 йиллик байрамини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга бел боғлаганлар. Шубҳа йўқки, зиммага олинган социалистик мажбуриятларни шараф билан бажариб, юбилейга ёруғ юз билан борамиз. Деҳқонларимизнинг зарбдор меҳнати, кураш ва интилишлари шундан далолат бериб турибди.

Т. ИНОМОВ,
Янгиқўрғон районидаги Навоий номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ТЕЗ ВА СОЗ ҚУРАЙЛИК

Республикадаги қурилиш ва монтаж ташкилотларининг коллективлари 1977 йилда зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар олдилар. Улар қувватлар ва объектларнинг бир маромда ишга туширилиши, қурилиш муддатлари ва қимматини камайтириш, унинг сифатини яхшилаш учун мусобақалашмоқдалар.

Республикадаги асосий пудратчи министрликлар ва идораларнинг иши қуйидаги кўрсаткичлар билан характерланади:

(1- устун — министрлик ва ташкилотлар, 2- устун — январь-мартда планнинг бажарилиши (процент ҳисобида), 3- устун — 1977 йилнинг январь-марти 1976 йилнинг январь-мартига нисбатан).

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги	100,1	104
Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлиги	101	103
Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги	100,3	100,9
Главташкентстрой	100	100,8
Узколхозстрой	107	104
Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги	103	99
Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш министрлиги	107	101
Узглавводстрой	104	100,7
Главсредазирсовхозстрой (Ўзбекистон ССР территорияси бўйича)	104	105

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг 162-Андижон трести, Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлигининг 19- Қашқадарё трести, Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигининг «Средазтепломонтаж» трести, «Главташкентстрой»нинг Тошкентдаги «Ташинжстрой» трести, «Облколхозстрой»нинг Самарқанд трести ва бошқа трестлар шу йилнинг биринчи кварталидаги социалистик мажбуриятларини бажардилар.

Шу билан бирга, баъзи қурилиш ва монтаж трестлари қабул қилган мажбуриятларини бажариш у ёқда турсин, давлат планини ҳам бажара олмадилар. Ўтган йилги эришилган иш суръатларини пасайтириб юборидилар.

Қолоқлар орасида Сирдарёдаги 7- ва 22- трестлар, Фарғонадаги 8- трест ва «Ферганасантехмонтаж» трести, Тошкентдаги 3-, 6- трестлар ва 1- уйсозлик комбинати, Хоразмдаги «Облколхозстрой» трести, Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлигининг 2- «Узсельспецстрой» трести ва бошқа трестлар бор.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги билан Қишлоқ қурилиши министрлигига қарашли кўпгина қурилиш ва монтаж трестлари, механизациялашган кўчма колонналар ва бошкармалар меҳнат унумдорлигини ошириш борасидаги топшириқни бажара олмади.

«Главташкентстрой» ва «Узглавводстрой» уй-жойларни битказиб, фойдаланишга топшириш юзасидан биринчи квартал учун белгиланган планни бажармади.

Партия, совет, касаба союз ва хўжалик ташкилотлари қолоқ ташкилотларда план ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилмаслик сабабларини синчиклаб таҳлил этиб чиқишлари, қолоқликни йўқотиш борасида кўриладиган комплекс чораларни белгилаб олиб, уларни амалга оширишлари зарур. Шунингдек, халқ хўжалик планида йилнинг биринчи ярмида кўзда тутилган ҳамма ишлаб чиқариш қувватлари, мактаблар, болалар муассасалари, даволаш муассасалари ва бошқа маданий-маиший муассасалар иккинчи кварталда ишга туширилиши таъминлансин. Май олди социалистик мусобақасини кенгроқ ёйиш, қурилиш самарадорлиги ва сифатини, меҳнат унумдорлигини ошириш, қурилиш-монтаж ишлари таннархини арзонлаштириш, моддий ресурслар ва меҳнат ресурсларини тежаб-тергаш борасида қўшимча чоралар кўриш лозим. Коллективларга ҳар бир коллектив Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига зиммасига олган план ва социалистик мажбуриятларини бажара олишини таъминловчи шарт-шароитлар яратиш зарур.

УЗСОВПРОФ ПЛЕНУМИ

11 апрель куни Тошкентда бўлган Узсовпроф пленумида республика касаба союз ташкилотларининг СССР касаба союзлари XVI съезди қарорларини, КПСС Марказий Комитети табрикномасида ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқида баён қилинган кўрсатмаларни амалга ошириш соҳасидаги вазифалари муҳокама қилинди. Узсовпроф раиси Н. М. Маҳмудова доклад қилди.

Сўзга чиққан нотиқлар съезд материаллари, Леонид Ильич Брежневнинг ёркин, ғоят сермазмун нутқи республика меҳнаткашларини КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш учун, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун янгидан-янги муваффақиятлар қозонишга илҳомлантиради, деб таъкидладилар. Қабул қилинган қарорда касаба союз ишини янада такомиллаштиришга қаратилган тадбирлар белгиланди. Социалистик мусобақага раҳбарлик қилиш, илғор коллективлар тажрибасини кенг ёйиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Пленум ишида Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири Г. М. Орлов қатнашди. (ЎзТАГ).

УЗБЕКИСТОН МЕҲМОНИ

Германия Коммунистик партияси правлениесининг аъзоси Роберт Штайгервальд Узбекистонда меҳмон бўлиб турибди.

Меҳмон Тошкент, Самарқанд, Фарғона шаҳарлари ҳаёти билан танишди, шу шаҳарларнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирди, колхозларнинг бирига борди.

Р. Штайгервальд 11 апрель куни Узбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлди. Меҳмон республика партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва идеология иши тажрибаси билан, уларнинг КПСС XXV съезди қарорларини ва ўнинчи беш йиллик планларини бажариш соҳасидаги фаолияти билан таништирилди. (ЎзТАГ).

БУГУН—КОСМОНАВТИКА КУНИ

ЮКСАК БАХТ

Космонавтларни тайёрлаш марказининг илк раҳбарларидан бири, ҳозир Граждан авиацияси илмий-тадқиқот институти бошлиғининг ўринбосари Евгений Анатольевич КАРПОВ 1961 йил апрелининг шонли кунлари тўғрисида ҳикоя қилади:

— Учувчи бошқарадиган биринчи «Восток» кемаси учирилишига бир ҳафта қолганида генерал Н. П. Каманин ва мен, космонавтлар Юрий Гагарин, Герман Титов, шунингдек, Андриян Николаев, Павел Попович, Валерий Биковский ва бошқа баъзилар Бойқўнғирга келдик. Сергей Павлович Королев раҳбарлигида учирувчи ракета ва учувчи бошқарадиган космик кемани учишга тайёрлаш поёнига етказилаётганди. Иш графиги нечоғли тиғиз бўлишига қарамай, олим Юрий Гагарин ва Герман Титов билан такрор-такрор гаплашиш учун вақт топа биларди. Шундай суҳбатлардан бири ёдимда қолган.

— Сиз янги техниканинг синовчиларигина эмас, дастлаб, тадқиқотчиларсиз, — деган эди академик. — Олимлар ва конструкторлар ҳаммасига қизиқадилар, лекин даставвал космонавт ҳали бизга нотаниш вазнсизлик ҳолатини қандай кечиришига, айниқса, қизиқадилар. Имкони борича ҳаммасини пайқаш, эслаб қолиш керак. Майда-чуйда нарсаларни ҳам пазардан қочирманг.

Сўнгра Сергей Павлович учишнинг техника томони тўғрисида гапириб, Гагаринга бир неча тавсиялар айтди.

— Биз ҳамиша сиз билан бирга эканлигимизни унутманг, — деди академик. — Ерда қолганларнинг ҳамма куч ва қобилиятлари фақат учиш йўлида хизмат қилади.

— Кўп ташвишланаверманг, Сергей Павлович, ҳаммаси жойида бўлади! Гагарин бу гапни шу қадар бамайлихотир айтдики, космонавтга далда берувчи яна бир неча сўз айтмоқчи бўлиб, оғиз жуфтлаган академик беихтиёр хандон ташлаб юборди:

— Ана, гаплашиб ҳам олдик. Мен унга далда бермоқчи эдим, иш аксинча бўлиб чиқиб, менга далда берса бўладими!

Космонавт кетганидан кейин Сергей Павлович Гагарин ҳақида бизга мана бу гапларни айтди:

— Баракалла! Иш чўлда сайр қилиш эмас-у, ўзини тутишини кўринг! Кишининг ҳаваси келади. Мен бўлсам ўзимни тинчлантиролмаяпман. Сизлар ҳам шунақа кўринасизлар.

...12 апрель. Москва вақти билан соат эрталаб 7. Гагаринни давлат комиссиясининг қўлига топширгач, ракетадан 150 метр наридаги махсус автобусда ўтирган дублёр — Герман Титов ёнига қайтаман.

Юрий ракета пойдаги баландроқ кўтарилган майдончада турибди. Унинг зарғалдоқ тусдаги комбинезони офтоб нурида оловдек қизарган. Космонавт бир қўлини кўтариб, кузатиб қолувчи кишилардан бир дақиқа эътибор беришларини сўради. Шунда биз Юрийнинг энди яхши таниш мана бу сўзларини эштамиз:

— Бир неча минутдан кейин қудратли космик кема мени коинотнинг олис қўйнига олиб кетади...

Ракета учирилишига ярим соат қолгач, Герман Титов билан бирга кузатув пункти сари жўнаб кетамиз. Бу пункт старт бериладиган жойдан тахминан бир километр нарида. Радио қарнайлар ракетани учириш раҳбари бераётган командаларни таратмоқда. Королев осойишталик билан бу командаларни «Восток» ичидаги Гагаринга эшиттиряпти.

Миллион от кучини жамлаган моторлар ракетани старт майдони узра кўтара бошлаганида машҳур:

— Кетдик! — деган сўз янгради.

Шу дам команда бункерида бўлган Королев космонавт ўзини яхши тутганлигидан қайратда қолганлигини менга айтиб беришди. У:

— Ҳақиқий рус баҳодири! — деган.

...Давлат комиссиясининг учишдан кейинги мажлисида Гагарин кема системалари аниқ ишлаганлиги тўғрисида, ракета кўтарилаётган ва туширилувчи аппарат ерга қайтиб тушаётгандаги зўриқишларни нормал ўтказганлиги, вазнсизлик ҳолатида ҳам ўзини яхши ҳис этиб турганлиги тўғрисида муфассал гапириб берди.

Мажлис уч соатдан эзиб давом қилди. Катта ва жиддий ишларда эзмаликни ёқтирмайдиган С. П. Королев мажлисни қисқача қилиб бундай деб хулосалади:

— Космик техника пухта эканлигини кўрсатди. Одам тегишли шароитларда космосда яшаши ва ишлай олиши мумкин. — Шунда Гагарин томонига ўгирилди-да, сидқидилдан бундай деди: — Учиш программасини аъло даражада бажарганлигингиз, космик саёҳатдан келтирган қимматбаҳо маълумотларингиз учун Сизга, Юрий Алексеевич, кўп раҳмат. — Шундан сўнг тантана билан мана бу сўзларни айтди: — Эндиликда инсониятнинг космос сари йўли очиқ.

Юрий Алексеевич билан сўнгги учрашув, 1968 йилнинг 25 марти, фожиона ҳалокатидан икки кун аввал. Ўша вақтда полковник Гагарин ҳозир унинг номи билан аталаётган марказ бошлиғининг ўринбосари эди. Ушанда у Н. Е. Жуковский номли ҳарбий-ҳаво академиясини имтиёз билан тугатганди. Юрий ҳузуримга кирди.

— Космос сари учишга жиддий тайёргарлик кўряпман, — деди ўшанда хайрлашаётиб, — шунга шай бўлиш керак. Ҳозирча самолётда машқ парвозлари қилиб турибман.

Е. А. Карпов ўз ҳикоясининг охирида космодромда старт олдидан Гагарин айтган гапнинг магнитофон ёзувини тинглашни таклиф қилди. Космонавтнинг ўспиринларнинг сингари жарангдор овози бутун хонани тутди:

— Янги-янги кашфиётларда қатнашиш ҳамма замонлар ва даврларда кишилар учун энг олий бахт-саодат бўлиб келганди...

А. РОМАНОВ,
ТАСС обзорчиси.

Суратларда: 1. Москва. Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида космосни ўзлаштириш шарафига ўрнатилган обелиск. 2. Жаҳонда биринчи космонавт. Ю. А. Гагарининг онаси Анна Тимофеевна Гагарина.

В. Соболев ва А. Романов фотолари. ТАСС фотохроникаси.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: КОМИТЕТНИНГ ИШ УСЛУБИ

ХАТО ВА ЖАЗО

КОММУНИСТНИНГ ШАХСИЙ ИШИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

ИККИНЧИ ХАТ

«Бизнинг вазифамиз — партиямизнинг мустаҳкам, саботли бўлишини, софлигини сақлашдир. Биз партия аъзоси деган номни ва унинг аҳамиятини ЮҚОРИ, ЮҚОРИ ва ЯНА ЮҚОРИ кўтаришга ҳаракат қилишимиз лозим...».

В. И. ЛЕНИН

Бу сўзларни ўқидим-у, бир воқеани эсладим. Қўйлар яйловга юборилаётган кезлар эди. Москва районидаги «Партия XXI съезди» колхози партия комитетининг секретари Абдуғаттоҳ Зайнобиддинов колхоз правлениесининг раиси Одилжон Ҳайдаровга маслаҳат солди:

— Партия аъзоси Абдулазиз Усмонов кейинги пайтларда анча ўзгариб қолди. Гердайиб кетди. Тартибга чақириб қўйсакмикин?

Раис индамади. Партком секретари раиснинг раъйига қараб, коммунистнинг шахсий масаласини муҳокамага қўя олмади. Орадан икки-уч ой ўтди. Зайнобиддинов ярим ой касалхонада ётиб келди. Ўша куни эрталаб ўнга шундай дейишди: «Райкомдан қўнғироқ қилишди. Абдулазиз Усмоновнинг устидан шикоят тушибди. Шахсий ишини кўраркансиз».

1976 йил. 15 июнь. Ферма бошланғич партия ташкилотининг навбатдан ташқари йиғилиши чақирилди. Унда ўн коммунист, бир КПСС аъзолигига кандидат ва колхоз партия комитети секретарининг ўринбосари Мирзажон Юнусов қатнашди. Ферма партия ташкилотининг секретари Ф. Ўринбоев бош чўпон А. Усмоновнинг шахсий иши ҳақида жуда қисқа гапирди:

«А. Усмонов йил бошидан буён колхознинг 2 та қўйи, 13 бош қўзиси ва бир бош улоғини ўзлаштириб юборган. Ўз бурчига совуққонлик билан қараган. Қўйларни қаровсиз қолдирган. Оқибатда 29 бош қўй-қўзи нобуд бўлган. Шундай қилиб, у колхозга жами 2591 сўм зарар етказган. Усмонов партия аъзоси бўла туриб шундай иш қилган. Унинг партияда қолиш-қолмаслигини ўйлаб кўришимиз керак».

Бутун доклад ана шундан иборат. Биз уни айнан келтирдик. Секретарь масалага партиявий принципиаллик билан ёндашмади. Воқеа содир бўлиш сабабларини чуқур ўрганмади. Шунинг учун фактларни баҳолаб, магазини чақиб беролмади. Натижада муҳокамага қўйилган масала бўйича коммунистларнинг актив фикр олишуви таъминланмади. Доклад юзасидан музокарада атиги икки киши қатнашди. Улар ҳам Усмоновни авайлаб гапиришди.

КПСС аъзоси Омон Бойматов: «Мен Усмоновни бир неча йилдан бери танийман. Колхозда ҳалол меҳнат қилиб келади. Чорвадорлар ва колхозчилар орасида катта ҳурматга эга. Шундай асл чўпон адашганига ҳайронман. Илгари яхши ишларини инобатга олиб, қаттиқ ҳайфсан беришни таклиф қиламан».

Коммунист Олимжон Қўчқоров: «Мен икки йилдан буён Усмонов билан бирга ишлайман. У ўз ҳурматини билмади. Партия олдида катта хатога йўл қўйди. Яхши ишлаб ўзини оқлаши керак. Майли, партия сафида қолсин».

Партия йиғилиши тугади. Икки коммунистнинг таклифи ҳал қилувчи роль ўйнади. Усмоновнинг тақдири бошқаларни қизиқтирмади. Кўпчилик ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмади, чўпоннинг ютуқ-камчиликларини рўй-рост айтишмади. Ҳамма иш ўн минутда ҳал бўлди. Кўнгилчанликка, юзхотирчиликка йўл қўйилди.

А. Усмонов партком мажлисига таклиф қилинди. Мажлисда партком секретари А. Зайнобиддинов, колхоз раиси О. Ҳайдаров, комитет аъзоларидан М. Бадалов, М. Сойибов, М. Ҳасанова, М. Юнусов, Ф. Ўринбоев ва Ж. Қодиров ўртоқлар иштирок этишди.

Ф. Ўринбоев ферма партия ташкилотининг А. Усмоновга учёт карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ ҳайфсан бериш тўғрисида ҳозиргина қабул қилган қарорини ўқиб берди. Бир минутлик сукутдан сўнг Усмоновдан сўрашди. «Ўзингиз нима дейсиз?». Усмонов истар-истамас: «Адашдим. Ўзимни оқлаш учун тинмай ишлайман», — деди.

Шундан сўнг комитет аъзоларидан икки киши — М. Сойибов ва А. Зайнобиддинов ферма партия ташкилотининг қарорини қувватлаб гапирди. Масалага лоқаид қарашди. Бошқаларга сабоқ бўладиган, таъсир қиладиган бирор гап айтилмади. Комитет мажлиси: «Ахир у илгор чўпон-ку? Бир нарса деб бўладими...» — деган руҳда ўтди.

А. Усмонов ўз вазифасини суистеъмол қилди, колхоз мулкидан шахсий манфаати йўлида фойдаланди. Шундай одам партия сафида туриши мумкинмикин? Ферма партия ташкилоти ҳам, колхоз партия комитети ҳам бу ҳақда жиддийроқ ўйлаб кўрмади. Коммунистга раҳм-шафқат қилишди.

Москва район партия комитети бошланғич партия ташкилотининг қароридан қаноатланмади. Бу ишни партия комиссиясига топширди. Парткомиссия масалага тўғри ёндашди. Колхоз партия комитетидан КПСС аъзоси А. Усмоновга партиявий-ишлаб чиқариш характеристикаси сўради. Масала жиддий, гап коммунистнинг тақдири устида борарди. Лекин партком секретари масъулиятни яна ҳис этмади. Комитет аъзоларини йиғиб маслаҳатлашмади, партком мажлиси чақиришни ҳам унутди. Характеристикани ўзи ёзиб қўя қолди. Характеристикада А. Усмоновнинг руҳини ва путур етган обрўйини кўтаришга интилиш сезилиб турарди. Унинг яхши ҳислатлари бўрттириб кўрсатилди.

Нега шундай бўлди? Бунинг сабаблари кўп. Партия ташкилоти ва колхоз правлениеси А. Усмоновга катта ишонч билдириб, бўлар-бўлмасга мақтаб, устма-уст мукофотлар бераверган. Уни «Урал» мотоцикли, «Москвич» енгил автомашинаси билан сийлаган. Булар, унинг талтайиб кетишига сабаб бўлган. Масъулиятни унутиб, партия Уставининг талабларига риоя қилмай қўйган. Маишатга берилиб кетган. Шундан кейин ҳам партия ташкилоти ва колхоз правлениеси нимагадир унга танбеҳ беришга ботинолмаган. Аксинча, унинг ютуқларини бўрттириб кўрсатишга, нуқсонларини эса яширишга интилган

Масалан, А. Усмоновнинг қўнғир иши олдиндан маълум эди. Аслида у колхозга 2591 сўм эмас, 4761 сўм зарар етказганди. Шундан 2170 сўми ундирилган. Шунга қадар ҳам бошланғич партия ташкилоти «томошабин» бўлиб тураверган. Райкомдан топшириқ олингандан сўнггина Усмонов масаласи муҳокама қилинган. Қуруқ гап сотиш, масалани умумий гаплар билан хаспўшлаб ўтиш, ҳақиқатни яшириб қолиш ҳар қандай ҳолатда ҳам зарарлидир.

Парткомиссия принципиал туриб А. Усмоновни партиядан ўчириш ҳақида райком бюросига таклиф киритди. Райком бюроси таклифни тўғри деб топди. Бошланғич ташкилотнинг қарорини бекор қилди. Масалани ҳал этишда принципсизлик кўрсатгани учун колхоз партия комитетига қаттиқ танбеҳ берилди.

Коммунистнинг шахсий ишини муҳокама қилиш тарбия мактаби бўлиши керак. У ёки бу ишни кўрганда ҳар доим партиявий принципиаллик кўрсатиш, одил туриш зарур. Одамларни тўғри баҳолаш, уларнинг яхши-ёмон томонларини очиқ кўрсатиш — камчиликларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Бу ўринда бир воқеа ёдимга тушди. Бир партия йиғилишида коммунистнинг ҳулқи муҳокама қилинди. Ҳақконий гаплар айтилди. Йиғилишдан кейин нотиқлардан бири ғазабланган кишига деди: «Кечирасиз, хафа қилиб қўйдим. Биласиз-ку, шундай бўлиб қолди». Иккинчи нотиқ эса: «Ҳечқиси йўқ, беҳуда гаплар бу», — деб иржайди. Бу йиғилишни юксак савияда ўтган, деб бўладими?

Шунда мен коммунистнинг шахсий масаласини қаҳтахлитда қўйиш лозимлиги ҳақида ўйлаб кетдим. Бу муҳим масалада баъзи бошланғич партия ташкилотлари жуда оқсоқ қолмоқда. Гап «Партия XXI съезди» колхози партия комитетининг фаолияти ҳақида бораётгани учун яна шу ердан мисол олишга тўғри келади.

Партия аъзоси Тўхтасин Каримов чорва фермасини бошқаришда бўшангликка, уқувсизликка йўл қўйди. Бу қобилиятсиз раҳбарнинг нотўғри хатти-ҳаракати оқибатида чорвачилик қолоқ участкага айланиб қолди. Бошланғич партия ташкилоти унга партиявий жазо — қаттиқ ҳайфсан эълон қилди. Лекин бу масала тор доирада, расмият учунгина кўрилган, берилган партиявий жазо кўпчилик муҳокамасига ташланмагани сабабли таъсир кучини йўқотди. Орадан бир ярим йил ўтиб кетса ҳам, Каримов бундан тегишли хулоса чиқариб олмади. Аҳволни ўнглаш учун жон қуйдирмади. Окибатда чорвачиликда хеч қандай ўзгариш бўлмади. Шундай бўлса ҳам колхоз партия ташкилоти Каримовдан партиявий жазони олиб ташлаш тўғрисида қарор чиқарди. Москва район партия комитетининг бюроси ўйланмай қабул қилинган бу қарорни тасдиқламади

Шундан кейингина Т. Каримов вазифасидан озод қилинди. Бу кўнгилсиз воқеалар колхоз партия ташкилотига сабоқ бўлиши керак. Районда бўлганимда, «Партия XXI съезди» колхози партия ташкилотининг партиявий-ташкилий ишлари билан ҳам қизиқдим. Бу ерда кадрларни танлаш ва тарбиялашда партия комитетининг ташкилотчилик, раҳбарлик роли унчалик сезилмайди. Коммунистларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш иши бўшаштириб юборилган.

Бефарқлик, пассивлик — бошланғич партия ташкилотлари фаолиятидаги катта камчиликларандир. Ҳар бир партия ташкилоти коммунистнинг партиявийлигига баҳо берганда, унинг меҳнатдаги ғайрати ва сиёсий активлиги, ижодий изланиши ва умумий ишда иштирок этиши қай даражада эканлигини асосий мезон қилиб олиши керак.

Бу ўринда Москва район партия комитетига ҳам эътирозимиз бор. Райком бошланғич партия ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатмаган, партиявий-ташкилий, сиёсий-тарбиявий ишларни олиб боришда йўл-йўриқлар бериб турмаган. Райком ходимлари бошланғич партия ташкилотига тез-тез бориб, уларнинг ишларини чуқур ўрганиб туришлари, партиявий иш тажрибаларини оммалаштиришлари, хатоларни ўз вақтида тузатишлари лозим.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Редакциядан: Юқоридаги хатларда коммунистларнинг шахсий ишларини ҳал қилишда партия ҳаётининг ленинча қоидаларига қандай амал қилинаётгани ҳақида, бошланғич партия ташкилотларининг бу муҳим ишга қандай ёндашгани ҳақида қимматли фикр-мулоҳазалар билдирилган. Айрим бошланғич партия ташкилотларига хос бўлган нуқсонлар очиб ташланган. Шубҳасиз, бу хатлар Андижон областидаги бошланғич партия ташкилотларидагина эмас, бошқа областлардаги бошланғич партия ташкилотларида ҳам коммунистларнинг қизғин муҳокамасига сабаб бўлади, деб ўйлаймиз. Шу билан бирга коммунистлар ва газетхонларимиз бу ҳақда ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини ёзиб юборадилар, деган умиддамиз.

«УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ ВА СССРДА ПРОЛЕТАР ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМИНИНГ ТАНТАНАСИ» МАВЗУИДА ТОШКЕНТДА ЎТКАЗИЛАДИГАН БУТУНИТТИФОҚ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЛДИДАН

ЙИРИК АНЖУМАН

Совет халқи, бутун прогрессив инсоният йигирманчи асрнинг асосий тарихий воқеаси — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг олтмиш йиллигини нишонлаш арафасида турибди.

Октябрнинг олтмиш йиллиги совет халқи ҳаётида, жаҳон революцион жараёни тараққиётида ғоят муҳим босқичдир. Ер куррасидаги миллион-миллион меҳнат аҳли, барча соф виждонли кишилар социализмнинг ғолибона байроғи остида, Маркс, Энгельс, Ленининг музаффар таълимоти қуёш нуридек планетамизнинг турли ерларига тобора кенг тарқалиб, халқлар қалбидан чуқур жой олаётган бир пайтда, социализм жаҳон тараққиётини белгиловчи асосий кучга айланган бир вақтдаушбу санани тантана қилишга зўр тайёргарлик кўрмоқдалар.

Республикамиз пойтахти — Тошкент шаҳрида ана шу улуғ санага бағишланган «Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги ва СССРда пролетар интернационализмининг тантанаси» мавзуида Бутуниттифоқ илмий-назарий конференция ўтказилади.

Маълумки, бизнинг мамлакатимизда Улуғ Октябрь революцияси туфайли социализмнинг энг муҳим ғалабаларидан бири — пролетар интернационализми тўла-тўкис тантана қилди, барча халқлар ва элатларнинг мустаҳкам ва метиндек биродарлиги вужудга келди. Бу Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Биринчи секретари Родней Арисменди, Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари тарих фанлари доктори В. Е. Маланчук ва бошқа йирик олимларнинг докладлари тингланади.

Ялпи мажлислардан сўнг конференция қатнашчилари бир неча секцияларга бўлиниб иш кўрадилар. Биринчи секция иштирокчилари «Совет Иттифоқи халқларининг биродарона ҳамкорлиги — ҳаракатдаги интернационализм» мавзуи устида фикр алмашсалар, иккинчи секцияда «Меҳнаткашларнинг бирдамлиги ва унинг ҳозирги даврдаги тараққиёти» деган мавзу юзасидан докладлар тингланади, учинчи секциянинг фаолияти эса «Пролетар интернационализмида идеология ва маданият проблемалари» мавзуига бағишланади.

Конференциянинг юқорида номи зикр қилинган уч секциясида «Янги тарихий бирлик — совет халқининг ташкил топиши — социалистик интернационализмнинг тараққиёти ва тантанаси», «Социалистик қурилишда интернационалик ва миллийлик масалалари», «СССРда миллий масаланинг ҳал этилишда интернационалистик асослар», «Жаҳон социализми ва миллий-озодлик ҳаракати», «Улуғ Октябрь ва ишчилар ҳаракатининг ғоявий-сиёсий тараққиёти», «Социалистик интернационализм ва маданиятларнинг ўзаро бойиши», «Совет ташқи сиёсатининг интернационаллиги» каби қатор муҳим илмий-назарий докладлар тингланади.

Республикамизнинг ижтимоий фанлар соҳасида кўзга кўринган бир қатор олимлари ҳам ўз докладлари билан конференция ишида актив қатнашадилар.

Конференция кунларида унинг қатнашчилари — меҳмонлар Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ўнлаб миллат ва халқларнинг пролетар интернационализми тантанаси туфайли вужудга келган биродарлиги, буюк рус халқи ва Ватанимизнинг бошқа халқлари кўрсатаётган ғоаларча ҳамкорлик натижасида коммунистик қурилишнинг барча жабҳаларида қўлга киритилган улкан ютуқлар билан яқиндан танишадилар.

Б. МАННОВ.

ДЎСТЛИК БОҒИ

Самарқанддаги Темирйўл районининг меҳнаткашлари янги парк барпо этишга киришдилар. Россия Федерациясидан, Занавказье республикаларидан кўчатлар олиб келинмоқда. Лифтсозлик, рўзғор холодильниги, чинни заводининг ишчилари қурилиш устидан оталиқ қиладилар. Уларнинг таклифига биноан паркка Халқлар дўстлиги номи берилди (ЎзТАГ).

САНОАТ—ҚИШЛОҚҚА

МАДАДКОРЛАР

КПСС XXV съезди совет халқи фаровонлигини янада оширишга қаратилган йирик тадбирларни белгилаган. Уларни амалга ошириш учун қишлоқ хўжалигини жадал суръатлар билан ривожлантириш зарур. Юқори ва барқарор ҳосил учун умумхалқ курашида шонли ишчилар синфи, социалистик индустрия ходимлари муҳим роль ўйнайдилар. Саноат корхоналари коллективларининг қишлоққа ёрдам кўрсатиш программаси КПСС Марказий Комитетининг шу йил январь ойида эълон қилинган Мактубида баён қилиб берилди. «КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, — дейилади Мактубда, — ҚИШЛОҚ БУЮРТМАЛАРИНИ БАЖАРУВЧИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ КОЛЛЕКТИВЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛИБ, МАШИНАЛАР, ЗАПАС ҚИСМЛАР, НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ, МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАРНИ ВА БОШҚА МАТЕРИАЛ-ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИНИ ЎЗ ВАҚТИДА ЕТКАЗИБ БЕРИШНИ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ПЛАНЛАРИНИ ИЧКИ РЕЗЕРВЛАР ҲИСОБИГА ОШИРИБ БАЖАРИШ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ҚИДИРИБ ТОПИШГА, КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРГА ОТАЛИҚ ЕРДАМИНИ КУЧАЙТИРИШГА ЧАҚИРАДИ».

Республикамиз индустрияси меҳнаткашлари партия даъватига қандай жавоб бермоқдалар? Сўз — Бутуниттифоқ «Союзмашхлопководство» саноат бирлашмаси корхоналари вакилларига.

ШАРАФЛИ БУРЧ

М. ТУРОБОВ,
СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи созловчиси, Ўзбекистон Компартияси XIX съезди делегати

Заводимиз ишчилари бу йил колхоз ва совхоз меҳнаткашларига 24 минг 750 (шундан 250 таси муқобил план бўйича) трактор, 38 минг прицеп, 4,4 миллион сўмлик эҳтиёт қисмлар етказиб бериш мажбуриятини олишган. Йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса ҳозиргидан анча қудратлироқ бўлган «МТЗ-80Х» тракторини оммавий равишда ишлаб чиқаришга киришамиз.

Қўяпсизларки, мажбуриятимиз оғир, аммо шарафли. Биз, тракторсозлар олтин қўлли пахтакорларга мададкор бўлиш, 5 миллион 360 минг тонналик Ўзбекистон «оқ олтин»и учун умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшиш иштиёқида социалистик мусобақани авж олдиряпмиз. Ички резервларни қидириб топиб, ҳаракатга келтирмоқдамиз. Дастлабки натижаларимиз чакки эмас. Баҳорги экиш-тикиш ишлари бошлангунча 6140 та трактор, 9500 та прицеп ҳамда 1,1 миллион сўмлик эҳтиёт қисмларни мўлжалдан барвақт етказиб беришга сўз берган эдик. Ҳозир сўзимизнинг устидан чиқмоқдамиз. Шу кунларда корхона темир йўл тармоғидан тайёр маҳсулотлар ортган эшелонлар пешма-пеш жўнаб турибди.

Қишлоққа ёрдамимиз бугина эмас. Пойтахт областидаги «Тошкент» совхози ва Жиззах областининг Ленин номли колхозида машина паркини жиҳозлашни, эллик минг сўмлик эҳтиёт қисмлар, турли асбоб-ускуналар билан таъминлашни планлаштирганмиз. Ҳозир бу хўжаликлардан келган ремонтчилар, токарлар, фрезерчилар, пармаловчилар, электр пайвандчиларнинг дастлабки гуруҳини ўқитяпмиз.

БИРИНЧИ МАРТА

П. ОВЧИННИКОВ,
«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси токари

Мен корхонамизда олиб борилаётган ишлар ҳақида гапирмоқчиман. Бу ерда деҳқонларга атаб янги моделдаги «СТХ-4Б» сеялкаси жадал суръатлар билан тайёрланмоқда. Мазкур агрегатлар маркерларини кўтариш ва туширишни механизациялаш учун биринчи марта махсус гидропривод билан жиҳозланаётир.

Ўнинчи беш йиллик иккинчи йилининг дастлабки ойларида узбексельмашчилар катта зафар қучдилар. Пландан ташқари тербицидларни сочиш учун 5 та мослама, чигитни аниқ ташлайдиган 140 аппарат ва 10 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқардик.

Тайёр маҳсулотларнинг бир қисми отлиқдаги Пискент районининг хўжаликларига жўнатилди. Завод аҳли Улуғ Октябрнинг шонли 60 йиллиги нишонланадиган юбилей йилида қишлоққа оталиқ ёрдамини икки баравар кўп кучайтириш ниятидадир. Мақсадга, албатта, етамиз!

АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

А. ҚАҲҲОРОВ,
«Ташсельмаш» заводининг йиғувчи слесари

К. Е. Ворошилов номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли заводимиз мамлакатдаги пахта терадиган машиналар ишлаб чиқарувчи ягона корхонадир. Бу биз учун ҳам фахрли, ҳам масъулиятли. Буни яхши тушунган корхонамиз меҳнат аҳли чидамли ва сифатли «зангори кема»лар тайёрлашни йилдан-йилга кўпайтиришга эришмоқда. Натижада ўтган йили Бутуниттифоқ социалистик мусобақада ғолиб чиқиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғига мушарраф бўлдик.

1976 йилдаги ютуқларимизни мустаҳкамлаш асосий мақсадимиз! Шу ўринда бир рақамни келтирмоқчиман. Агар 1968 йили заводимизда фақат бир маркадаги «зангори кема» ишлаб чиқарилган бўлса, бу йил 7 хил маркадаги машинани тайёрлашга киришдик. Бор-йўғи тўққиз йил ичида шунча ўзгариш! Юбилей йилида пахтакорларга ажойиб совға тайёрлаймиз. Ҳадемай, иккичка толали пахта ҳосилини йиғиб-териб оладиган «ХВН-1,2А» агрегатини кўплаб тайёрлай бошлаймиз. Шулардан 650 тасини мўлжалдагидан барвақт, «оқ олтин» йиғимтерими бошлангунча конвейердан туширамиз.

Биз Жиззах область Пахтакор районидаги 26-совхозга ва Бўстонлиқ районидаги К. Маркс номли колхозга оталиқ ёрдамини давом эттирмоқдамиз. Бу ташсельмашчиларнинг ишчи ва деҳқон «Уроқ ва Болга» иттифоқини мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси бўлади.

ИБРАТ

И. ВЕЛИКИЙ,
«Союзмашхлопководство» бирлашмаси бош инженери

Қишлоққа амалий ёрдам бериш, оталиқ фаолиятини кучайтиришда Тошкент агрегат заводи коллективи бирлашмаси корхоналари орасида ибрат кўрсатмоқда. Фикримни мисоллар билан далилламоқчиман. Агрегатчилар баҳор мавсуми яқинлашгунча сеялкаларга эҳтиёт қисмлар нақадар зарурлигини ҳисобга олиб, қишлоқ хўжалигига барча номенклатуралар бўйича деталлар етказиб бериш 1977 йил биринчи квартал планини 20 февралдаёқ бажардилар!

Корхона коллективи Улуғ Октябрь социалистик революцияси 60 йиллигини муносиб кутиб олиш ва 1977 йил, умуман ўнинчи беш йиллик топшириқларини барвақт уддалаш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида фаол иштирок этяпти. Агрегатчиларнинг шу кунлардаги фикри-зикри ноз-неъмат бунёдкорлари— қишлоқ меҳнатчиларига муқобил план эвазига қўшимча 400 минг сўмлик маҳсулот, шу жумладан, тракторларнинг мингта олдинги қўпригини ишлаб чиқаришга қаратилган. Бу мажбуриятлар ички резервлар ҳисобига бажарилади.

Ҳа, қишлоқка моддий-техника воситаларини етказиб берувчи саноат ходимлари юбилей йилида деҳқончиликда юксак марраларга эришиш учун барча имкониятларни сафарбар этишмоқда. Уларнинг ўнинчи беш йиллик иккинчи йилида экономиканинг ана шу ҳаётий муҳим тармоғини ривожлантиришга янги, ёрқин саҳифа битишларига шубҳа йўқ.

ЮЗ СОВЛИҚДАН 200 ҚЎЗИ

Қўзилатиш мавсуми илғорлари тажрибасидан

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев СССР касаба союзларининг XVI съездида сўзлаган нутқида чорвачиликни ихтисослаштириш, маҳсулотларни саноат негизида кўпайтириш зарурлигини яна бир карра уқтирди.

Совхозимиз қўйчиликка ихтисослаштирилган. Давлатга кўплаб қоракўл тери, жун, гўшт ва бошқа маҳсулотлар етказиб берамиз. Ғаллачиликнинг ривожлантирилиши ем-хашак базасини мустаҳкамлашда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Шу йилнинг ўзида 415 минг центнер дон етиштирамиз.

Чорвадорлар энг масъулиятли паллага кирдилар. Қўзилатиш мавсуми охирлаб қолди. Биз мавсумни ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан кутиб олдик. Совхозимизда 43 ярим минг бошдан кўпроқ қўй бор, шундан 26 минг боши совлиқлардир. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги шарафига мусобақани қучайтираётган чорвадорларимиз совхозимиз бўйича ҳар 100 бош совлиқ ҳисобига камида 100 та қўзини ўстиришга қолдирамиз. Урғочи қўзиларни тери учун сўйишни ман этдик. Қоракўл тери тайёрлаш планини фақат эркак қўзиларни сўйиш ҳисобига бажарамиз.

Лекин бу дуч келган эркак қўзиларни сўяверiш керак деган сўз эмас. Халқимизда «лашкар бехатар бўлмайди» деган гап бор. Урғочи қўзилар туркумида ҳам, эркак қўзилар туркумида ҳам айрим нуқсонлилари бўлади. Уларни тўғри аниқлай билиш керак, бу борада мутахассислар чўпон-чўлиқларга ёрдам беришлари лозим. Энг яхши қоракўл тери берадиган, насли тоза, соғлом, бақувват урғочи қўзиларнинг деярли ҳаммаси, эркак қўзиларнинг бир қисми ўстиришга қолдирилмоғи даркор. Бош чўпонлар, уларнинг ёрдамчилари шунга алоҳида эътибор қилишлари зарур.

Ҳозир фермалар ва отарларда кеча-кундуз навбатчилар бўлиши шарт. Қўзилаши яқинлашиб қолган совлиқлар тинч турмайди, яхши ўтламайди, тез-тез қорнига қарайди, депсинади. Чўпон-чўлиқлар ва кўмакдошлар ўшандай совлиқларни ажратиб олиб, қўзилатиш пункти ёнида парваришлашлари лозим, ундай совлиқларни кўрадан узоқлатиб бўлмайди. Шунга эътибор қилиш керак.

Совлиқлар қўзилаганидан икки соат чамаси фурсат ўтгач илиқ сув, кепак ёки концентрат аталаси берилиши керак. Шундай қилинганда совлиқлар ўзини яхши ҳис қилади, сути кўпаяди. Қўзилар эса ҳар икки-уч соатда оз-оздан эмизилади. Мутахассислар совлиқларнинг елини касалланмаслигига қаратилган зоотехника тадбирларини амалга оширишлари лозим.

Қўзилатишда энг масъулиятли кунларни бошдан кечирмоқдамиз. Чўпон-чўлиқлар ҳушёрлик билан иш кўришлари лозим. Ҳамма совлиқлар, айниқса, тунда қўзилаган совлиқларга эътиборни кучайтириш талаб этилади. Ёш қўзилар нозик бўлиб, қаровсиз қолса нобуд бўлиши мумкин. Бунга йўл қўймаслик учун фермалар ва отарларнинг ходимлари навбатчилик қилишлари, хўжаликларнинг раҳбарлари қўзилатиш билан банд бўлган кишиларга етарли маданий-маиший шароит яратиб беришлари лозим.

Баҳор ҳавоси тез ўзгарувчан бўлади. Бундай шароитда ўстиришга қолдирилган қўзилар парваришига эътиборни қаратиш керак. Қўзилар асраладиган жойларда илиқ сув, кепак аталаси, майин хашак бўлсин, ҳозир кўк ўтлар анча ўсиб қолди. Ёш қўзиларни сурувларга ажратиб, соқмонлар ташкил қилгунга қадар тажрибали чўпонлар парваришига топшириш мақбулдир. Бирор бош совлиқ ёки қўзининг чимга чиқишига йўл қўймаган чорвадор келгусида гўшт, қоракўл тери, жун ва бошқа маҳсулотлар тайёрлашни кўпайтиришга пухта замин яратади.

Совхозимиз давлатга 19 минг дона қоракўл тери етказиб беради. Терининг деярли ҳаммаси юқори сорт бўлиши таъминланади. Дастлабки якунлар бу борадаги мажбуриятларимизни ҳам тўла ва ошириб бажариш мумкинлигини исботламоқда. Биз ҳозирча олинаётган қўзиларнинг асосий қисмини ўстиришга қолдиряпмиз, мавсум охиридагисини саралаб тери учун сўямиз. Чунки, мавсум охирлаган сари ҳаво исиб, янги туғилган қўзиларнинг шароитга қўникиши қийинлашади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар қандай шароитда ҳам қоракўл тери тайёрлаш плани бажарилганидан кейин бирор бош қўзини терига сўймаймиз, пландан ташқари ўстиришга сақлаб қоламиз.

Хўжалигимизда эчкичилик ҳам ривожлантирилянти. Эчкилардан кўплаб гўшт, айниқса жун оляпмиз. Бу йил эчкилар сонини ўтган йилдагига нисбатан тенгма-тенг кўпайтириш, маҳсулот тайёрлаш миқдорини ошириш, сифатини яхшилаш ниятидамиз. Келгуси йилдан бошлаб эчкичилик —фермаларимизда асосий тармоқлардан бири бўлиб қолади.

Қўзилатиш мавсумини бенуқсон ўтказамиз, бунга шубҳа йўқ. Лекин олдимизда янада муҳимроқ вазифалар турибди. Областимизда бир отардан икки отар қўй ташкил қилиш ташаббуси пайдо бўлди. Чорвачилик, хусусан қўйчиликка ихтисослаштирилган совхозимиз коллективи бу ташаббусга қўшилди. Айни кезда асосий эътиборни 384 тонна гўшт тайёрлашга қаратмоғимиз керак. Шу мусобақат билан ёшни яшаган, қарилиги туфайли «ремонт»га чиқариладиган қўйларнинг ўрнини зотлилари билан тўлдиришимиз керак. Ҳозир ҳар бир ферма ва отарда қанча қари қўй гўштга топширилиши, унинг ўрни қандай қоплаиши батафсил аниқлаб чиқилди ва амалий чоралар кўрилмоқда. Қўйлар туёқ сонини планда кўзда тутилгандан камида 4 мингта кўпайтириш ниятидамиз. Чўпонларимиз ички имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, конкрет мажбуриятлар олишди.

Халқимизда «бир терига икки қўй сигади», деган гап бор. Биз ориқ қўйларни гўштга топширишни ман этдик, ҳар бир қўйнинг тирик вазнини камида 48-50 килограммга етказиб гўштга топширамиз. Бу чорвадорларнинг қўлидан келадиган иш бўлиб, меҳнатидан қочилмаса бас! Биринчи жун қирқими тугалланиши билан бўрдоқига боқилаётган қўйларнинг катта туркумини тайёрлов ташкилотларига топширамиз. Резервларимизни ҳисоблаб чиқиб, топширишга қўшимча саккиз тонна бўрдоқи гўшти тайёрлаш мажбуриятини олдик.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев етиштирилаётган маҳсулотлардан чорвадорларнинг шахсий манфаатдорлигини ошириш зарурлигини таъкидлади. Биз эгиз қўзилар олишни кўпайтириш туфайли мукофотлар оляпмиз, маъмуриятнинг буйруғи билан қўзилар берилянти. Шуни айтиш керакки, ўша қўзиларни ҳам семиртириб тайёрлов ташкилотларига гўштга топширамиз.

Жун қирқимига тайёргарлик ишларини тугалладик. Жун қирқишга тажрибали кишилар ажратилди, асбобускуналар шайлаб қўйилди. Бу муҳим ишни ўтган йилдагига нисбатан бир ҳафта олдин тугаллаймиз. Совхозимиз бўйича ҳар бош қўйдан 3 килограмм 23 граммдан жун қирқиш топширигини ошириб бажарамиз.

Касбимиз чўпонлик, бу касбни шарафлаш учун бутун куч-ғайратимизни сарфлаймиз, давлат ва халқ мулки—қўйлар туёқ сонини оширамиз, маҳсулотлар етиштириш юзасидан олган мажбуриятларимизни ортиғи билан бажарамиз. Бу, Октябрнинг 60 йиллигига совғамиз бўлади.

Т. ШОЙҚУЛОВ,
Қ. ПЎЛАТОВ,
Н. РАҲМАТОВ,
Ғузор районидаги «Пачкамар» совхозининг бош чўпонлари.



Жиззах области. Октябрь районидаги Ҳамид Олимжон номли совхоз чўлқуварлари бу йил мавжуд 1650 гектар ернинг ҳар гектаридан 38 центнердан «оқ олтин» олишга шайланганлар. Хўжаликда 33 та сеялка билан далаларга чигит экилянти. Агрегатлар унумли ишлаб турибди. Бригадалар, бўлимлар бирин-кетин чигит экишни тугаллаяпти. Жумладан, Қўшбоқ Холбўтаев бошлиқ бригада аъзолари экишни муваффақиятли тугалладилар. Уларга социалистик мусобақада ғолиб чиққанлари учун хўжалиннинг нўчма вимпели топширилди. Суратда: совхоз партия ташкилотининг секретари Бекпўлат Тиловбоев бригада бошлиғи Қўшбоқ Холбўтаевга нўчма вимпелни топшириб, қизғин табриклямоқда. Пастда эса совхоз далаларида чигит экиш пайти.

Ж. Тўраев фотолари.

ПАХТАКОРЛАРНИНГ ТАШАББУСЛАРИ

ЯНГИОВУЛ. (ЎзТАГ). Сирдарё областида янги ташкил этилган Комсомол районининг «Коммунизм» колхозида меҳнат қилаётган Мамазокир Абдуллаев, Шарифжон Шарофиддинов ва Ғози Жаводов бошлиқ бригадалар чигит экишни беш иш кунида тугалладилар.

— Хўжаликдаги тупроқ бир текис етилмайди, — деди колхоз раиси, Ленин мукофоти лауреати Жавод Кўчиев. — Баъзи участкаларга чигит экиш мумкин бўлса, бошқаларида экишга тайёргарлик кўриш мумкин, холос. Шунинг учун ҳам 16 экиш агрегатининг ҳаммасидан битта механизациялашган отряд тузилиб, ундан етилган ерларга чигит экишда фойдаланилмоқда.

Бу йил колхозда биринчи марта йириклаштирилган пахтачилик бригадалари тузилганлиги ҳам техникадан юқори унум билан фойдаланишга имкон бермоқда. Бундай бригадаларнинг ҳар бирига 220-300 гектар ер бириктириб қўйилган. Колхоз рационализаторлари ташаббус кўрсатмоқдалар. Уларнинг таклифига мувофиқ оддий сеялкаларга айрим ўзгартишлар киритилди. Бунинг натижасида чигитни уяларга аниқ экиш мумкин бўлди. Бу эса кейинчалик ягона қилишдек сермашаққат ишга ҳожат қолдирмайди. Колхозчилар яна бир янгиликни қўллаётлар. Хўжалик майдонининг ярмидан кўпига пахтанинг янги «Қизилравот» нави биринчи бор экилмоқда. Колхоз районда биринчи бўлиб жуда катта майдонга — 700 гектардан ортиқ ерга шу янги нав чигитини экмоқда.

Хўжалик деҳқонлари ҳар гектар ердан 40 центнер ҳосил олишни мўлжаллаб қўйдилар.

ЧЎҚҚИЛАР БАЛАНД БЎЛСА...

Бригадамиз областдагина эмас, республикада ҳам донгдор пахтакорлардан бўлган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Бойтура Қумаков бошлиқ бригада билан беллашади. Қумаков бошлиқ бригада коллективи ўтган йили 214 гектар ернинг ҳар гектаридан 72 центнердан, жами ўртачароқ бир колхознинг пахтасини берди. 1540 тонна! Бригаданинг даромади 1 миллион 50 минг сўмки ташкил этди. Бу гап антишга осон.

Биз ҳам энг юксак кўрсаткичга эришдик, десак лоф бўлмас. Гектар бошига 66 центнердан хирмон кўтардик. Пахта майдонкмиз 105 гектар. Алмашлаб экишда ҳосият катта. Бу йил 60 гектар майдонга беда экдик. Ўмуман, Бойтўра Қумаковнинг, бир беш йилликда икки беш йиллик планини бажариш ташаббусига колхозимизнинг ўзидан 13 та бригада қўшилди. Бригадамиз тўққизинчи беш йилликда 1600 тонна ўрнига 3100 тонна пахта топширди. Бундан қозон ҳам, чўмич ҳам мойли бўлаётир. Оддий деҳқоннинг ўртача ойлик маоши 280 сўм. Механизаторнинг 310 сўм. Ўзаларга сарфланган меҳнат бежиз кетмади. 1973 йилда менга Ватанимизнинг энг юксак унвони— Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилган эди. Назаримда, бу унвон деҳқончилик алифбосини ўргатган отам Қўчқор Муродовга ҳам, мени меҳнатсевар қилиб ўстирган онам Маҳкамойга ҳам, далаларга етаклаб борган опам Қурбоной ва ҳам, бригаданинг оғирини енгил қилган укаларим Йўлдош, Ғаниларга ҳам, пахтачиликдаги илк ўстозим Норбой ота Уроқовга ҳам, умуман бригадамизнинг ҳамма аъзоларига берилгандай эди.

Мен Чимбойободнинг боғли қишлоғидан. Бу ерларга 30-йилларда нон-наша тортиб келиб қолганман. Сув тутдим, трактор мингдим. 1953 йилда колхозимизнинг Мирзачўл участкасидан 35 гектарли ер олиб, чайла қуриб, чиқиб кетганимча шу ердаман. Босган изимиз боғ бўлди. Ака-ука Тоир, Тўқсон, Исмат, Мели Юсуповлар ҳам бу чўлда биз билан биргаликда биринчи кетмон урган, биринчи дарахт эккан, биринчи ҳосил олганлардан. Икки йилдан кейин сафимизга кўплаб ёшлар қўшилди, ернинг унумдорлиги оширилди.

Олга юрган яна юради. Бу йилги мўлжал гектар бошига 70 центнердан. Албатта, бу марра эгалланади. Чунки, колхозимизда 70 центнерчи бригада бошлиқлари кўп. Булар Бойтўра Қумаков, Бекмурод Холмуродов, Элбой Шароповлар. Биз ҳам улардан озми-кўпми ўрганганмиз.

Менинг қанотларим бригадамизга уюшган аъзолардир. Ерни экишга тайёрлашдан тортиб ҳосилни йиғиб-териб олгунга қадар пахтазорда «пўлат отъ»ларни гижинглатадиган Тўхта Ҳакимов, Мусулмон Худойқулов, Норбек Раҳматов, Ҳусан Юсупов каби дарғаларимиз, Ғани Муродов, Исмат Юсупов, Бурҳон Мардонов, Бошман Рустамов сингари лочинларимиз бор экан, биз ҳамиша пахтачиликда юксак чўққиларга парвоз қилаверамиз. Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига 105 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 70 центнердан пахта хирмони кўтарамиз!

Экишни қисқа муддатда тугаллаб, уруғни бир текис ундириб оламиз.

М. ҚУЧҚОРОВ.
Пастдарғом районидаги Карл Маркс номли колхознинг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«КЕЙИНГИ ПУШАЙМОН»

«Қизилтепа районида чорва қишлови қониқарсиз ўтмоқда. Ем-хашак вақтида жамғарилмади. Шулар туфайли маҳсулот таннархи ошиб кетмоқда ва сут тайёрлаш плани бардод бажарилмоқда...»

Шу мазмунда босилган (газетамизнинг шу йил 9 февраль сони) «Кейинги пушаймон» сарлавҳали мақолага Бухоро область партия комитетидан қуйидаги мазмунда жавоб олинди:

Танқидий мақола Қизилтепа район партия комитетининг кенгайтирилган бюросида атрофлича муҳокама қилинди. Бюрода район колхоз-совхозларининг раҳбарлари ва мутахассислари қатнашиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Камчилик-нуқсонларга йўл қўйган раҳбарлар қаттиқ танқид қилинди. «Узбекистон» колхози раиси Р. Назаров, «Ёш ленинчи» колхози раиси М. Сафаров, «Москва» ва Ленин номли колхозлар раислари Т. Сафаров ва З. Хайриевлар, шунингдек, райинкроном қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Б. Ҳайдаров жиддий огоҳлантирилди. Райком бюроси қарори билан «Ёш ленинчи» номли колхози сут-товар фермаси мудири И. Ражабов, Ленин номли колхоз зоотехниги З. Файзиевлар вазифаларидан бўшатилдилар.

Райком бюроси муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Оламда нима гап

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАБ

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги муносабати билан Монголия Халқ Республикасидаги АПН махсус мухбири А. Чернецкий Монголия Халқ ишчи партияси Улан-Батор шаҳар комитетининг секретари Д. Бямба билан учрашиб суҳбатлашди. Д. Бямба Монголия пойтахти меҳнаткашларининг Улуғ Октябрнинг шонли 60 йиллигига қандай тайёргарлик кўраётганликлари ҳақида сўзлаб берди.

— Яқинда Монголия Халқ ишчи партияси, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Совети, Монголия касаба союзлари Марказий Совети ва республика Революцион комсомоли Марказий Комитети Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига 1977 йилги план-топшириқларини адо этиш ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириш учун қарор қабул қилдилар. Улан-Батор меҳнаткашлари бу қарорни зўр кўтаринкилик билан кутиб олдилар. 1976 йилнинг сентябридаёқ пойтахтдаги бир қатор корхоналарида коллективлари «Октябрнинг 60 йиллигига 60 зарбдор ҳафталик» шиори остида ишлашга сўз беришган эди.

Қабул қилинган қарор меҳнат ғайратини янада жўш урдириб юборди. Пойтахтдаги барча саноат корхоналарида, муассаса ва ташкилотларда 1977 йилни юксак кўрсаткичлар билан якунлаш бўйича ҳаракат кенг қанот ёйди. Бугунги кунда Улан-Баторда яшовчи 50 минг аҳоли Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига юксак мажбуриятлар олган. Улар орасида авторемонт заводи, шаҳар қурилиш трести, жунни қайта ишлаш бўйича корхоналар бирлашмаси меҳнатчилари бор. Бир қатор коллективлар «Қизил чепел»ликлар ташаббусига қўшилиб меҳнат қилишмоқда.

Социалистик ҳамдўстликдаги мамлакатларнинг энг аввало, СССР мутахассислари билан тузилган интернационалистик меҳнат бригадалари яхши натижаларни қўлга киритаётганлигини таъкидлаш керак. Улан-Баторда совет мутахассислари-дан ташқари Болгария, Венгрия, ГДР, Польша, Чехословакиядан келган инженер ва техник ходимлар ишлашмоқда. Улар ҳақиқий равишда пролетар интернационализмига содиқлик бурчини намойиш қилишмоқда.

Улан-Батор коммунистлари ҳар қачон, ҳар жабҳада олдинда боришади. Шаҳар меҳнаткашлари Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига зўр кўтаринкилик билан меҳнат қилиб, шубҳасиз, илғорликни қўлдан беришмайди.

◆ **ГАВАНА**

Шакарқамиш йиғиштириб олиш ва қайта ишлаш мавсуми ҳал қилувчи босқичга қадам қўйди. 147 та қанд заводи кечаю-кундуз тинмай ишлаб турибди. Шакарқамиш йиғиштириб олиш ва қайта ишлаш якунларини тўплаш мақсадида яқинда бўлиб ўтган умуммиллат кенгаши шу корхоналарнинг асосий кўпчилиги планни бажараётганлиги ва ошириб бажараётганлигини, ёнилғини тежаш учун муваффақиятли курашаётганлигини кўрсатди.

Ҳозирги мавсумда шакарқамиш йиғиштириб олиш механизациялаш ишлари ўтган йиллагига нисбатан анча кучайди. Совет—Куба корхоналарида тайёрланган «КТП-1» комбайнларида ва бошқа дала агрегатларида 20 мингга яқин механизатор ишлаб турибди.

◆ **ВАРШАВА**

Гданьскдаги В. И. Ленин номли кемасозлик корхонасида совет гимни садолари остида «Профессор Попов» рефрижератори устига Қизил байрок кўтарилди.

Кемасозлар бўлиб ўтган митингда Совет Иттифоқи билан актив ҳамкорлик корхонани ривожлантиришда ҳал қилувчи роль ўйнаганлигини айтдилар.

Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлардаги турдош корхоналар билан ҳамкорлик кемасозликни ривожлантириш учун катта аҳамиятга эгадир. Шу корхоналар ўртасидаги кооперативлаш туфайли кема механизмининг бир мингдан ортиқ турларини айирбошлаш имконияти туғилди. Кооперативлашган тарзда маҳсулот етказиб бериш ҳажми беш йилликнинг охирида икки баравар ошади.

◆ **БУДАПЕШТ**

Венгрия Халқ Республикасининг мутахассислари социалистик мамлакатларнинг «Интеркосмос» программаси бўйича биргаликда олиб борадиган тадқиқот ишларида актив қатнашмоқда. «Венгрияда ишлаб чиқарилган» деб ёзилган айрим деталлар ва узеллар космосга саёҳат қилиб келди. Ердаги станцияларда эса Венгрия приборлари муваффақият билан ишлаб турибди. Космонавтлар ВХРда тайёрланган дори-дармонларни ўзлари билан бирга космосга олиб чиқмоқдалар.

Балатон кўли ёнидаги Талиандерегде поселкасида роса бир йил ичида космик алоқа станциясининг корпуси қад кўтарди. Бу станция шу йилнинг ўзидаёқ ишлай бошлайди.

◆ **УЛАН-БАТОР**

Монголия пойтахтининг партия-хўжалик активи йиғилиши Улан-Батор ишчилар районидаги меҳнаткашларининг 17 апрелни ленинча якшанбалик, коммунистик меҳнат куни, деб эълон қилиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлади.

Улан-Баторнинг барча меҳнаткашлари В. И. Ленин туғилган кунга ҳамда Октябрь юбилейига бағишланган якшанбаликда қатнашадилар. Шаҳардаги асосий корхоналарнинг коллективлари шу куни ўзларининг иш жойига боради. Қолганлар жонажон шаҳарларини обод қилишда, майдонлар ва кўчаларни кўкаламзорлаштиришда қатнашадилар.

◆ **СОФИЯ**

Болгария тўқимачилик саноатида автомат мокисиз станоклари ишлатила бошланди. Мездра шаҳридаги тўқувчилик фабрикасида СТБ-2-250 типидаги 96 та совет станогидан фойдаланилмоқда. Яқинда яна шундай 70 та станок ўрнатилади.

1980 йилга бориб ҳар икки томон учун қулай асосларда Совет Иттифоқи Болгариянинг янги ва реконструкция қилинадиган тўқувчилик фабрикаларига замонавий урчуқсиз йигирув машиналари, мокисиз тўқувчилик станоклари юборади.

(ТАСС).

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ЯКШАНБА КУНГИ ЧЕТ ЭЛ ВОҚЕАЛАРИ

ГУЛЧАМБАР ҚУРИЛДИ

БЕРЛИН. ГДР жамоатчилиги Веймар ёнидаги собиқ гитлерчилар концлагери маҳбуслари озод этилган кунинг 32 йиллигини нишонлаб, Бухенвальдда фашизмга қаршилик ҳаракати курашчилари ёдгорлигига тантанали вазиятда гулчамбар қўйди. Бу ерда ГБСП Марказий Комитети, ГДР Давлат Кенгаши ва Министрлар Совети номидан, республиканинг жамоат ташкилотлари номидан гулчамбар қўйилди.

Бухенвальднинг собиқ маҳбуслари нацизм билан курашда халок бўлган ўртоқларининг хотирасини ҳурматлаб эсга олиш учун Европанинг турли мамлакатларидан шу ерга келдилар.

АВТОМОБИЛЬ МАГИСТРАЛИ ҚУРИЛИШИДА

ПРАГА. Прага — Брно — Братиславага олиб борадиган ЧССРда энг катта автомобиль йўли қурувчилари 50 километрдан узунроқ масофада янги участкани фойдаланишга топширдилар.

350 километрдан узунроқ бу замонавий автомобиль йўли Чехословакиянинг олтинчи беш йиллик планида белгиланган энг муҳим қурилишлардан биридир. Магистрал йўл 1980 йилда қуриб битказилиши керак.

МИЛЛИЙ ЯРМАРКА ОЧИЛДИ

ДЕҲЛИ. Бу ерда ҳунармандлар ишлаб чиқараётган газламаларнинг биринчи миллий ярмаркаси очилди. Мамлакатнинг турли томонидан келган ҳинд тўқувчиларининг маҳсулоти ярмаркада намойиш этилмоқда. Газлама тўқиш бутун Ҳиндистонда кенг тарқалган ҳунар ҳисобланади. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган барча ип газламанинг қариб 30 процентини ҳунармандлар тўқиб бермоқда.

(ТАСС).

ИСПАНИЯ КОМПАРТИЯСИНИНГ ОЧИҚ ШАРОИТДА ИШЛАШИГА РУХСАТ БЕРИЛДИ

МАДРИД, (ТАСС). Бу ерда Испания Коммунистик партиясининг очиқ шароитда ишлашига рухсат бериш тўғрисида ҳукумат томонидан чиқарилган қарор эълон қилинди. Мамлакатда Испания Компартияси қариб 40 йил мобайнида тақиқланган эди. Испания ҳукумати кенг жамоатчиликнинг тазйиқи билан шундай қарорни қабул қилди. Испания Коммунистик партиясининг очиқ шароитда ишлашига рухсат берилганлиги мамлакатдаги барча демократик кучларнинг муҳим ғалабасидир.

Меҳнат қилиш ҳуқуқи учун курашда

ПАРИЖ, (ТАСС). Мозель департаментининг Тьонвиль шаҳри... Лотарингия саноат районининг марказида жойлашган бу шаҳар ҳозирги пайтда Франциядаги барча меҳнаткашларнинг диққат марказида турибди. «Юзинор» металлургия трестининг эгалари ҳукуматнинг розилиги билан Тьонвилдаги ўз заводини ёпиш ва 3.700 металлургни ишдан бўшатишга қарор қилди.

Бу райондаги 21 минг меҳнаткашнинг иши қора металлургия билан боғланган. Шу сабабли ишсизлик бошқа кўп ишчиларга ҳам таҳдид қилмоқда. Тьонвиль муниципал кенгаши (яқинда ўтказилган муниципал сайловдан кейин коммунист Поль Соффрен бу кенгашга бош бўлди) шаҳар аҳолисини бу ерда ўтказиладиган фавқулодда мажлисига таклиф этди. П. Соффрен 6 апрелда ўтказилган шу мажлисда 1000 тьонвилликлар ҳузурида гапириб, бундай деди: «Биз «Юзинор» заводининг ёпилишига асло рози бўлмаймиз».

Лотарингия меҳнаткашларининг корхона эгалари ниятларига қарши кураши мамлакатда кенг маъқулланди ва парламентнинг 6 апрелда ўтказилган мажлисида мунозара мавзуи бўлиб қолди. Сўл кучларнинг вакилларигина эмас ҳукмрон кўпчиликнинг депутатлари ҳам Тьонвилдаги заводнинг ёпилишига қарши чиқдилар, металлургия саноатидаги аҳвол тўғрисида миллат мажлисида мунозара ўтказишни ёқладилар. Бош министр Р. Барр кеча бу масалани парламентда муҳокама қилиш учун розилик беришга мажбур бўлди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

БЕЛГРАД. Неретвада иккита янги электростанция қурилиш бошланди. Бу станцияларнинг иккаласи ҳам ўз сувини Адриатика денгизига оқизаётган тоғ дарёсининг ўрта оқимида барпо этилмоқда. Илгари қурилган иккита станция билан бирга бу электростанциялар ҳар йили 2,5 миллиард киловатт-соатдан кўпроқ арзон электр энергия берадиган бўлади. Неретвада яна бешта электростанция қуриш планлаштирилмоқда. Шу станцияларнинг ишга туширилиши билан алюминий заводларини электр энергия билан таъминлаш пробламеси тўла-тўкис ҳал этилади. Бу заводлар шу районда бокситларнинг бой конлари негизида барпо этилади.

БРЮССЕЛЬ. Бельгия коммунистларининг «Драпо руж» газетаси Бельгия ҳукуматига мурожаат қилиб, қуролсизланиш соҳасида конкрет ташаббус кўрсатишга даъват этди. Коммунистлар, деб ёзади газета, Бельгиянинг миллий манфаатларини эмас, балки НАТО планларини кўзда тутувчи ҳарбий харажатларига қарши қатъий кураш олиб борадилар. «Драпо руж» газетаси Бельгия қурол-яроғлари билан савдо қилиш устидан қаттиқ назорат ўрнатилишини ҳам талаб қилди.

ДАККА. Бангладеш ҳукуматининг қарорига мувофиқ қишлоқ жойларида кўчма медицина пунктлари ишлай бошлади. Беш ёшгача бўлган болалар ана шу медицина пунктларининг пациентларидир. Ана шу «сиҳат-саломатлик станциялари»нинг вазифаси медицина ёрдамини беришдангина иборат бўлиб қолмай, шу билан бирга профилактика ишларини ҳам ўтказишдан иборат бўлади. Кўчма медпунктлар ҳозиргача мактабгача ёшдаги 36 мингдан кўпроқ болаларни текширди.

ВАШИНГТОН. Америка ҳарбийлари давом эттираётган қуролланиш пойгасига қарши порозилик билдирмоқ учун намойишчиларнинг янги туруҳлари «Бизга ракета эмас, нон керак», «Қуролланиш пойгаси ғўҳатилсин» деган плакатларни кўтариб, яна АҚШ мудофаа министрлиги биноси олдига келишди.

Полициячилар 14 кишини қамоққа олиб, намойишни тарқатиб юборди.

ОТТАВА. Ҳозирги вақтда канадаликлардан қариб бир миллион киши ишсиздир, деб маълум қилди Канада ишчи кучи ва муҳожирлар иши билан шуғулланувчи министр Ж. Каллен. Мамлакатда ишсизлар проблемасини ақалли қисман ҳал қилиш учун, деб таъкидлади министр, ҳукуматга янги иш жойларини ташкил этиш учун бир неча миллиард доллар пул керак бўлади. Канаданинг янги бюджетида эса ана шу мақсадлар учун атиги 100 миллион доллар кўзда тутилган.

(ТАСС).

«Правда» газетаси соврини учун мусобақаларда Узбекистондан қарийб 1300 дан зиёд енгил атлетикачи ўзаро куч синашди. Турли масофаларга ўтказилган мусобақаларда андижонликлар пешқадамлик қилишди. Суратларда: (юқорида) минг метрга югуриш баҳсида. 2000 метрга югуришда маррага биринчи бўлиб келган Н. Данилова билан шу масофага югуриш устаси И. Чёмина.

Н. Муҳаммаджонов фотолари.

СПОРТ

ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАНГАН МУСОБАҚАЛАР

ФИНАЛГА ЙЎЛЛАНМА

«ПРАВДА» ГАЗЕТАСИ СОВРИНИ УЧУН РЕСПУБЛИКА КРОССИДА

Серқуёш ўлка пойтахтининг йирик спорт масканларидан — Тошкент отчопари ўтган дам олиш куни ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Байрамона безатилган отчопарда эрта тонгдан тантаворлик ҳукмронлик қилди. Иттифоқчи республикаларнинг байроқлари, алвонлар ва ранг-баранг расмлар билан безатилган отчопарни спорт маликаси — енгил атлетика мухлислари банд этишди. Бу ерга, Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги, «Правда» газетасининг 65 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган Бутуниттифоқ кросси финалига йўлланма олиш учун республикамизнинг область командалари, қоракалпоғистонлик енгил атлетикачилар ва Тошкент шаҳри спортчилари ташриф буюрдилар.

Мусобақалар тўртта югуриш йўлкаларида турли масофаларда ўтказилди. Республика кросси финалида ғолиб чиқиш ва ҳал қилувчи финалга йўлланма олиш баҳсини қизлар бошлаб беришди. Бир группа кучли енгил атлетикачилар 1000 метрли масофага мўлжалланган югуриш йўлкасига саф тортдилар. Судья дастлабки мусобақага старт беради. Минг метрлик масофа. Айтишга осон. Бир қарашда қисқа оралиққа ўхшаш бу масофани биринчи бўлиб босиб ўтишни ким уддаларкин?! Спортчиларнинг мусобақага астойдил ҳозирлик кўрганлиги, чидам ва бардоши, қолаверса, ҳаққонлик ва абжирликдаги маҳорати саноқли дақиқаларда равшанлашди-қўйди. Белгиланган масофани маррагача кучини моҳирлик билан сарфлаш ҳадисини олган, Тошкент область командасининг вакили, мактаб ўқувчиси Л. Фролова биринчи бўлиб босди. У гарчанд рекорд натижа кўрсатмаган бўлса-да, бор-йўғи 3 минуту 19,6 секунд вақт сарфлаб, олқишларга сазовор бўлди.

Икки минг метрлик масофага ўтказилган мусобақалар ҳам қизғин ва шиддатли тус олди. Бу масофага югуришда ўсмирлар маҳорат кўрсатишди. Маррага биринчи бўлиб келган Самарқанд область терма командасининг вакили Н. Данилова 6 минуту 26,4 секундлик натижа кўрсатди. Усмирлар ўртасида ўтказилган баҳс кескин бўлганлиги шу масофада аёллар кўрсатган натижасидан ҳам кўринди. Чунончи, мазкур масофа учун курашда самарқандлик Л. Морозованинг Даниловадан 3,4 секундга кечиккани фикримизнинг далилидир.

Югуриш масофаси узайган сари, куч синашиш ва маҳорат кўрсатиш ҳам шунга яраша бўлади. Уч минг метрга югуриш бу сафар ҳам мухлислар эътиборини жалб қилди. Гарчанд ана шу масофага югуриш бўйича танилган, республикамизнинг машҳур енгил атлетикачиси Светлана Улмасова мусобақада иштирок этмаган бўлса-да, унинг ўрнини босдиганлар топилди. Светлана бир суҳбатда шундай деганди: «Биз андижонликлар 20 нафар йигит-қизлардан тузилган группада югуриш ҳаддисини ўрганмоқдамиз. Орамизда мухлисларга танилиб қолган спортчилар қатори ёш ва қобилиятли енгил атлетикачилар ҳам борлигидан мамнунмиз. Жумладан, ҳамшаҳрим М. Островская келажакда республика спорти шарафини ҳимоя қиладиган ажойиб спортчи бўлиб етишиши мумкин. Уч минг метрга югуришда М. Островская Светлана берган баҳога яраша маҳорат кўрсатди. У 10 минуту 38,6 секундлик натижа кўрсатиб, Бутуниттифоқ кросси финалига йўлланма олди.

Совриндорлик учун 8 ва 14 километрга ўтказилган мусобақаларда ҳам андижонликларнинг мавқелари баланд бўлди. 8 минг метрга югуришда А. Зайцев мусобақа бошиданоқ группа олдига ўтиб олди. У куч синашуви бўшаштирмаган ҳолда маррагача биринчи бўлиб югурди. Спорт мастери А. Зайцев 26 минуту 58 секундлик натижа билан фахрий супанинг юқорисига кўтарилишга муяссар бўлди. Андижонлик яна бир енгил атлетикачи Р. Насибулин ҳам маҳорат кўрсатди. Спорт мастери, республиканинг бир неча бор чемпиони бўлган бу енгил атлетикачи 14 километрлик масофани 48 минуту 02,8 секундда босиб ўтиб мухлисларни мамнун этди.

Шу тарика, бош репетиция деб ном олган республика кросси мусобақаларида мутахассислар кучлиларни саралаш билан бирга резерв ва истиқболлиларни ҳам чамалаб олишди. Энди ўзбекистонлик ғолиблар бошланишига саноқли кунлар қолган Бутуниттифоқ кросси мусобақаларида совриндорлик учун куч синашадилар.

Ф. КОЗИМОВ.

ФУТБОЛ:

СОВРИНДОР ДОҒДА ҚОЛДИ

Эртага биринчи лига командалари мамлакат чемпионати баҳсларига киришадилар. Ана шу коллективлар қатори олий лигага чиқиш учун яна бир бор куч синашишга ҳозирлик кўриб турган Тошкентнинг «Пахтакор» командаси футболчилари биллур соврин —СССР кубоги учун курашни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Пахтакорчилар ўз майдонларида мамлакат кубоги совриндорлари — тбилисилик динамочиларни қабул қилиб, марокли ўйин кўрсатишди. Учрашуванинг биринчи қисмида дарвозалар дахлсиз қолди. Танаффусдан кейин эса, майдон эгаларининг устунлиги сезилиб турди. 79-минутда мехмонларнинг хатоси 11 метрлик жарима тўпи билан «нишонланди». Тўпни М. Ан дарвозага аниқ йўллаб ҳисобни очди. Ана шу ягона киритилган тўп пахтакорчиларга ғалаба келтирди.

Икки учрашувда ҳисоб дуранг бўлиб, ғолиб жарима тўплари тепиш билан аниқланди. Жумладан, Ивано-Франковскнинг «Спартак» коллективи «Арарат» футболчилари билан учрашиб ҳисобни 1:1 қилишди. 11 метрлик тўпларни тепишда эса спартакчилар устун (5:4) келдилар. Шунингдек, «Металлист»—«Карпати» учрашувида ҳам 11 метрлик жарима тўплари тепилди. Бу ўйин 2:2 ҳисобида тугаган бўлса, жарима тўплари тепишдан кейин «Карпат» футболчилари фойдасига 2:4 бўлиб ўзгарди. Қолган ўйинларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди. «Искра» (Смоленск) — «Крилья Советов» — 3:1, «Янгиер» — «Динамо» (Москва) — 0:1, «Спартак» (Москва) — «Локомотив» — 3:1, СКА (Хабаровск) — «Динамо» (Киев) — 0:2, СКА (Киев) — «Черноморец» —2:0, «Факел» (Воронеж) — «Кайрат» — 2:3, «Гурия» (Ланчхути) — ЦСКА — 0:1, «Металлург» (Запорожье) — «Зенит» — 0:1, «Динамо» (Минск) — «Нефтчи» — 5:0, «Терек» — «Днепр» — 1:2, «Нистру» — «Шахтёр» — 0:1, «Помир» — «Торпедо» — 0:1, СКА (Ростов-Дон) — «Заря» — 0:2. Нимчорак финалга йўлланма олганлар учрашуви 17-18 июнга мўлжалланган.

АХБОРОТ

АНДИЖОН

ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ

Андижон шаҳрида телефон хизматидан фойдаланувчилар сафи ўсмоқда. Аҳолининг ана шу талаби ҳисобга олиниб, ўтган йили алоқа уйи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу шаҳарда телефон тармоқларини кенгайтириш, кўплаб хонадонларга телефон ўрнатиш имконини берди. Қисқа вақт ичида 11 минг номерли иккита автомат телефон станцияси ишга туширилди. Шу билан шаҳардаги телефон номерлари сони 17 мингдан ортиб кетди.

Ҳозир алоқа уйида шаҳарлараро автоматлашган телефон станцияси жадал монтаж қилинмоқда. Станция йил охиригача ишга туширилади. Янги станция битгач, аҳоли учун яна бир қулайлик яратилади. Абонентлар ўз уйларидаги телефонда код орқали иттифоқимизнинг йирик шаҳарлари билан сўзлашиш имкониятига эга бўладилар.

САВДО МАРКАЗИ

Андижон районидаги Кўмакай қишлоғида бутун бир савдо маркази вужудга келди. Янги қурилган магазин турли маркадаги энгил автомашиналар, мотоцикллар ва велосипедлар, эҳтиёт қисмлар, мебеллар, маданий моллар ва электр товарлари билан савдо қилишга ихтисослаштирилган. Йиллик товар обороти салкам бир миллион сўмни ташкил этадиган бу магазин бошқа савдо корхоналаридан кескин фарқ қилади.

Савдонинг ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ва буюмларни тўғри жойлаштириш каби илғор усуллари янги магазинда тўла жорий қилинган. Харидорлар керакли нарсаларни осонгина топиб, танлаб олиши учун барча қулайликлар мавжуд.

КОЛХОЗ ТАРИХИ МУЗЕЙИ

Хўжаобод районидаги «Ленинград» колхозида музей очилди. Колхоз тарихи музейи беш бўлимдан иборат. Бу ерда деҳқонлар турмушини акс эттирувчи диаграмма ҳам бор.

Музейда колхоз тузуми ва ривожи даврида хизмат кўрсатган меҳнат ҳамда уруш ветеранларининг ҳаётига алоҳида ўрин берилган. Музейни ташкил этишга Тошкент Давлат университети КПСС тарихи кафедрасининг тадқиқотчиси Баҳриддин Холмуҳаммедов илмий раҳбарлик қилди.

ФАХРИЙ НИШОН ЭГАСИ

Еш авлодни ўқитиш, коммунистик руҳда тарбиялаш ва уларни касб танлашга тайёрлашда яхши натижаларга эришганликлари учун мамлакатимиз халқ маорифи ходимларидан катта бир группаси ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ёшлар мураббийси» нишони билан тақдирланди.

Улар орасида Андижон шаҳридаги 46-мактаб директори, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Фарида Қосимова ҳам бор.

Қ. АНОРБОЕВ.

СЎЗЛАНМАГАН НУТҚ

Яқинда Хоразм область ижодий ходимлари активининг йиғилиши бўлди. Унинг қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг ижодкор ёшлар билан ишлаш тўғрисидаги қарори асосида ёш бадиий зиёлилар билан ишлашни янада такомиллаштириш вазифаларини муҳокама қилдилар.

Доклад ва музокараларда ижодкор ёшлар билан ишлашнинг аҳволи атрофлича таҳлил қилинди, асосий эътибор етилган ва ҳал этилиши зарур бўлган масалаларга, мавжуд нуқсонларни бартараф қилишга қаратилди. Аммо, музокарага ёзилган кишиларнинг тўла сўзга чиқишига имкон бўлмади, чунки музокараларни тўхтатиш тўғрисидаги таклиф бир овоздан маъқулланди. Йиғилиш қатнашчиларидан бири шундан кейин ҳам президиумга хат узатиб, сўз сўради. Илтимоси қондирилмагани учун ранжигандек бўлди. Бу киши — Урганч музика билим юртининг директори Абдушариф Отажонов эди.

Сўзлашга бу даражада эҳтиёж сезганлиги, камсуқум одамнинг гап айтишга бунчалик иштиёқи бизни қизиқтирди. У нима демоқчи экан? А. Отажоновдан нутқ текстини сўраб олиб, ўқиб чиққанимизда, бу ғалати туюлган ҳаракатнинг сабаби равшан бўлди. У областдаги ягона музика билим юртининг фаолияти, эҳтиёжлари, ҳал қилинмаётган муаммолар тўғрисида гапирмоқчи экан. Сўзланмаган ўша нутқда кўтарилган масалалар, баъзи мулоҳазалар ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Урганч шаҳридаги музика билим юрти очилганига ўн беш йил бўлди. Шу давр ичида 350 йигит ва қиз билим юртини тугаллаб, фортепьяно турли асбоблар, духовой ва халқ чолғу асбоблари, ашула, музика назарияси, хореография мутахассислари бўлиб етишдилар. Улар ҳозирги вақтда музика ва умумий таълим мактабларида, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида, маданият уйларида. Огаҳий номли область музикали драма ва комедия театрида, халқ ансамбларида ишлаб, музика санъатини ривожлантиришга ҳисса қўшмоқдалар.

Билим юртида таҳсил кўрган талабалардан 35 киши Тошкент Давлат консерваториясида, бир неча киши Маданият институтида ўқимоқда. Консерваторияни битирган мутахассисларнинг бир қисми яна билим юртига қайтиб, ўқитувчилик қилаётир. Билим юрти ўқитувчиси, композитор У. Мусаев «Мангулик» операси учун Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати бўлди. Бухорода ўтказилган ёш ижрочилар республика конкурсида қатнашган вокалист Ж. Аҳмедов, пианиночи М. Отажонов лауреатлик шарафига эга бўлишди.

Шу кунларда билим юрти ўқитувчилари ва талабаларининг асосий эътибори Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига муносиб туҳфа тайёрлашга қаратилган. «Дўстлик тароналари» концерт программаси репертуарида совет композиторининг асарлари катта ўрин олган. Март ойида болалар музика ҳафталиги, сўнгра музика баҳори ва ашула байрами ўтказишга ҳозирлик кўрилмоқда. Ижодий учрашувлар, концерт-лекциялар уюштирилаётир.

Эътироф қилиш керакки, музика билим юртида таълим-тарбиянинг аҳволи ижодкор ёшлар билан ишлаш соҳасида партиямиз илгари сурган талаблар даражасида эмас. Билим юртида малакали педагоглар етишмаётир. Агар бир ярим ставкадан дарс берганида ҳам камида 65 педагог керак. ҳақиқатда 44 ўқитувчи ишлаб турибди. Ҳатто 2-2,5 ставкада ишлаётган ўқитувчилар ҳам бор! Бу ҳол ўқиш-ўқитиш савиясига салбий таъсир этмай қолмайди, албатта. Вокаль ансамбли, асбобшунослик, музика адабиётини ўқитиш методикаси, ўзбек музика маданияти фанлари мутахассислар йўқлиги сабабли ўқитилмаётир. Фортепьяно, ашула, хор дирижёрлиги, музика назарияси бўйича ҳам мутахассислар етишмайди.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги билим юртини кадрлар билан мустаҳкамлаш учун баъзи тадбирларни амалга оширди. Аммо ишга келган мутахассисларга уй-жой ва бошқа зарур шароит яратиб бериш таъминланмаётир. Натижада улар кетиб қолишяпти, шу ўқув йили бошида олий маълумотли олти мутахассис ишдан бўшаб кетди. Урганч шаҳар Совети ижроия комитети беш йил ичида билим юрти ўқитувчилари учун икки квартира ажратиб берди, холос. Урганч шаҳар партия комитети 1976 йил 22 мартда махсус қарор қабул қилди. Бу қарорда музика билим юрти ўқитувчиларига ҳар йили учта квартира ажратиб бериш кўзда тутилган. Афсуски, қарор амалда бажарилмаётир.

Билим юртининг ўқув корпуси талабга мутлақо жавоб бермайди. Дарс саналари етишмайди. Фортепьяно, хор дирижёрлиги бўйича хоналар, ўқиш, концерт заллари, лабораториялар, спорт майдончаси, ўқитувчиларнинг дам олиш хонаси, буфет ва ошхона йўқ. Хореография бўлими ҳам бинога эга эмас, натижада машғулотлар аввал пионерлар уйида, кейин 5-интернатда, сўнгги пайтда область театрининг эски биносида ўтиб турди. Бу бинони ремонт қилиш бошлангач, машғулот билим юртининг тор бир хонасига кўчирилди. Тегишли шароит мавжуд бўлмаганлиги сабабли бу ўқув йилида хореография бўлимига қабул тўхтатилди.

Етоқхона бўлмаганлиги натижасида талабаларнинг бир қисми шахсий квартираларда ижарага яшаб туришибди. Бу ҳол районлардан абитуриентлар келиши камайишига сабаб бўлди. Масалан, бу ўқув йилида Ҳазорасп, Янгиариқ, Қўшкўпир районларидан ўқувчи қабул қилинмаган. Билим юрти ўқувчилари учун 200 ўринли ётоқхона қурилиши масаласи ҳал қилинди-ю, энди гап бу бино қурилишини тезлатишда қолган.

Республика партия ва ҳукуматининг қарорига мувофиқ, музика билим юрти санъат билим юртига айлантирилиши керак. Ўшанда бу билим ўчоғи музика мутахассислари билан бир қаторда, рассомлар, ҳайкалтарошлар, наққошлар ва бошқа ихтисос эгаларини тайёрлаб чиқаради. Бу тадбирни амалга ошириш учун ўқув модий базасини яратиш биринчи даражали вазифа ҳисобланади.

Урганч районида болалар музика мактаби очиш, боғчаларда ва мактабларда музика таълими группалари тузиш, мактабларга етакчи санъаткорлар оталигини ва мураббийлик ҳаракатини кучайтириш каби қимматли мулоҳазаларга ҳам бефарқ қараб бўлмайди.

Сўзланмаган нутқдаги муаммолар ва етилган актуал масалаларни ҳал қилиш, музика билим юрти фаолиятидаги камчиликларга барҳам бериш ва унинг эҳтиёжларига сезгирлик билан қараш республика Маданият министрлиги билан бирга, Урганч шаҳар ва Хоразм область ташкилотларининг ҳам муҳим вазифаси, деб ўйлаймиз.

Ф. ЗОҲИДОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

НОДИР ТЎПЛАМ

Ўзбек классик адабиётининг буюк даҳоси мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг яна бир нодир асарлар тўплами босмадан чиқди. Бу тўплам ҳажм жиҳатидан кичик бўлишига қарамай, унда шоирнинг кенг китобхонлар оммасига кам маълум бўлган, юксак бадиий ва эстетик руҳда битилган лирик ғазаллари, қитъалари, рубоийлари, мустазод ҳамда масневийлари, муҳаммаслари жамланган. Қизиғи шундаки, тўпламга Навоийнинг машҳур «Чор девон»и ҳамда «Девони Фоний»сидан сайланма асарлар, жумладан «Чор девон»дан ўнлаб пирик ҳамда сатирик ғазаллари, қитъа, мусаддас сокинома каби жанр туридаги шеърлари танлаб олинган бўлса, «Девони Фоний»дан ҳам бир қанча асарлари, ёзишмалари, инсонга маънавий гўзаллик бахш этувчи назмлари киритилган.

Китоб бир қарашда эътиборингизни жалб этади. Устки ялтирок муқовада ёр ҳаёли билан ўйга чўмиб мутолаа устида ўтирган шоир, парда ортидан бокаётган (шоир ҳаёлида кўринган) гўзал маҳбуба ва баҳор гулларининг нозик, рангли миниатюраси берилган. Ниҳоятда нозик дид билан безатилган ва нафис китобни аста очасиз. Кўз олдингизда буюк шоир Алишер Навоийнинг ўйга чўмган ҳолда тасвирланган портрети намоён бўлади. Китоб «Алишер Навоий шеъриятидан» деб аталади. Тўпламни нашрга тайёрлашда таниқли таржимон, Ҳалқаро Фирдавсий мукофотининг лауреати Шоиспом Шомуҳамедов ва шоир Жуманиёз Жабборовларнинг ҳиссаси катта.

Китоб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти босмахонасида чоп этилган.

Н. АЛИМОВ.

ТАБИАТ ВА ИНСОН

ЙЎЛБАРСЛАР ИЗИДАН

ТАСС мухбирининг Владивостокдан хабар беришича, Уссури тайгасида йўлбарслар рўйхатга олина бошлаган. Бу ишни биологлар, географлар, овшунослар ўтказмоқдалар. Рўйхатга олиш ишлари уч йилга чўзилади. Йўлбарслар яшайдиган асосий жойлар текшириб чиқилмоқи лозим. Бу жойлар тайгада юз минг гектарга боради.

— СССРда йўлбарслар Узоқ Шарқнинг жанубидагина сақланиб қолган. Бир вақтлар даҳшатли бўлган бу йиртқични ҳозир қутқариб қолиш учун унга инсон ғамхўрлик қилмоқда. Кейинги 30 йил ичида мамлакатимизда йўлбарсларни сақлаб қолиш учун анча-мунча ишлар қилинди, — деди РСФСР овчилик бош бошқармасининг вакили. Уларни овлаш тақиқланган. ҳайвонот боғлари учун йўлбарс тутишга қатъий норма белгиланган, икки кўриқхона ташкил этилган. Рўйхат чоғида даставвал йўлбарсларнинг умумий миқдори, ёши ва жинси белгилаб чиқилади ва шунга қараб уларнинг сони прогноз қилинади. Йўлбарслар жуда секин кўпаяди. Йўлбарслар эркинликда қанча умр кўришини аниқлаш лозим. Тўтқунликда улар камдан-кам йигирма ёшгача яшайди.

Ҳайвонлар яшайдиган жойларни сақлаб қолиш проблемаси ҳам уларнинг сони билан чамбарчас боғланган. Узоқ Шарқ тез ўзлаштириб борилмоқда. Одамнинг хўжалик фаолияти билан ҳайвонот дунёсининг сақланиб қолишини қандай қўшиб олиб бориш, йўлбарс сони камаймаслиги учун қандай қўшимча чоралар кўриш кераклиги аниқланади.

Йиртқичлар билан одамнинг «ўзаро муносабатлари» проблемаси ҳам ўрганиб чиқилади. Йўлбарслар камдан-кам ҳоллардагина одамларга ҳужум қилади. Одатда қари ва касал йўлбарсларгина одамга чўзут солади. Ўлканинг ривожланиши муносабати билан янги-янги посёлкалар пайдо бўлмоқда, бинобарин йиртқичнинг одамлар билан учраши имконияти ҳам кўпайиб бормоқда.

СССРда ҳайвонлар рўйхатга олина бошлаганлиги халқаро табиатни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш союзининг ташаббусига биноан бутун дунёда ўтказилаётган «Йўлбарс» операциясининг бир қисмидир. Бу операциядан мақсад — турли мамлакатларда шу ҳайвонларни сақлаб қолиш имкониятлари қанчалик реаллиги, уларни нобуд бўлиш ва қирилиб кетишдан асрамоқ учун қандай тадбирларни ишлаб чиқиш кераклигини аниқлашдан иборатдир. Йўлбарслар тамомила қирилиб битиш хавфи остида қолди. Мутахассислар-нинг ҳисоб-китобларига кўра, кейинги 50 йилда йўлбарсларнинг 90 процентдан ошиғи қириб юборилган. Ҳозир бутун дунёда нариси билан икки ярим мингта йўлбарс қолган, холос. Бир вақтлар Индонезиянинг Ява оролларида яшаган кўпдан-кўп «чангалзор шохлари»дан бор-йўғи тўққиз дона йўлбарс қолган, холос. Бангладешда қолган Бенгалия йўлбарсларни 200 тадан сал ошади. Ҳиндистонда эса, шу аср бошларида неча ўн минг йўлбарс яшаган бўлса, ҳозир икки мингтага ҳам етмайди. Ҳиндистон ҳукумати 1970 йили йўлбарс овлашни тамомила тақиқлади, кейинчалик терисини экспорт қилишни ҳам ман қилиб қўйди.

Узоқ Шарқдаги йўлбарслар илк бор бундан 20 йилча аввал рўйхатга олинганди. Шундан бери кўрилган чоралар туфайли уларнинг миқдори сезиларли даражада кўпайди. Ҳозир Уссури тайгасида тахминан 140 та йўлбарс бор.

Йўлбарс нодир ва йўқолиб бораётган ҳайвонот турларининг Қизил китобига киритилган. Шу кўрсатган ҳайвонни сақлаб қолиш—одимлар, жамоатчилик ва барча табиат дўстларининг энг муҳим вазифасидир.

Р. АХМЕТОВ,
ТАСС мухбири.

Реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 13/IV да **Севги ҳақида қисса**, 14/IV да **Узбекистон санъат усталарининг концерти.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 13/IV да **Жоним фидо**, 14/IV да **Тошболта ошиқ.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 12, 14/IV да **Кўзингни каттароқ оч!** (билетлар сотилган), 13/IV да **Тинмасин соз.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Дунёда ягона лилипутлар ревюси иштирокида МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ** (19.30).

Кино

САНЪАТ САРОЙИ — **Фердинанд Люснинг ҳаёти ва ўлими** (3-4 серия), **Есения** (кичик зал, кундуз ва кечқурун).

Фердинанд Люснинг ҳаёти ва ўлими (3—4-сериясы) — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Сен менинг қўшиғимсан — «МОСКВА» (10, 12, 14, 16, 18, 19.30, 21), «НУКУС», «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда), «ДРУЖБА» (жуфт соатларда), «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Азизим, Робинзон — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (10, 12, 14.00), «ҚОЗОҒИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Ютуқ — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Бормисан, марказий ҳужумчи — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Алп воқеаси — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (16, 18, 21.30).

«Совет мактаби» журнали ва «Ўқитувчилар газетаси» редакциялари коллективлари журналнинг бош редактори М. Саматовга онаси

Шамсихон АБДУСАМАТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг ректорати, партия ва маҳаллий комитетлари, университет юридик факультетининг деканати ва факультет коллективи Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, давлат ва ҳуқуқ тарихи кафедрасининг доценти Х. С. Саматовага онаси

Шамсихон АБДУСАМАТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Узбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институти коллективи институтнинг катта илмий ходими, ўзбек болалар адабиёти секторининг мудири, филология фанлари доктори, профессор Ҳ. Абдусаматовга онаси

Шамсихон АБДУСАМАТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Самарқанд область ижроия комитети коллективи оближроиқом раисининг биринчи ўринбосари Қ. Хотамовга онаси

Ўғилой ХОТАМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — **Янгиликлар.** 10.10— Гимнастика. 10.30 — Дворянлар уясидаги мешчан (фильм-спектакль). 13.00 — Ҳужжатли фильм. 13.45 — Жонажон мамлакатимиз ўйлаб. Эстония ССР. 16.15 — Концерт. 17.00 — **Москволикларнинг ишчи кафолоти.** 17.30 — Инсон. Ер. Коинот. 18.15 — **«Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун».** 19.00 — **Янгиликлар.** 19.15 — СССР халқларининг қўшиқ ва рақслари. 20.00 — «Бош конструктор» (ҳужжатли фильм. 1—2-серия). 22.00 — **Вақт.** 22.30 — **Космонавтика кунига бағишланган концерт.** 24.00 — **Янгиликлар.**

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.30 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 19.20 — **Мамлакат кучли теннисчиларининг турнири.** 19.50 — **Ахборот. Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги ва СССРда пролетар интернационализмининг тантанаси. Бутуниттифоқ илмий-назарий конференциясига.** 20.10 — Ҳужжатли фильм. 21.00—**Ахборот.** 21.30 — **«Ялла» вокал-чолғу ансамблининг концерти.** 22.00 — **Вақт** (Москва). 22.30 — **Қишлоқ хўжалиги ишлари кундалиги.** 22.40 — Экран — дўстлик кўзгуси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — **Янгиликлар.** 20.50 — Ўқувчи экрани. 21.20 — Назарий механика.

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Миртемир шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 9.30 — **«Космосда қўшиқлар янграйди».** 10.30 — **Улуғ Октябрь ва пролетар интернационализми** (суҳбат). 11.15 — Баҳор осмони (репортаж). 12.10 — **«Узбекистон ишчиси».** 13.00 — «Чўпон ҳикояси». 13.30 — Совет эстрадаси артистлари ижро этадилар. 14.00 — **Ингичка толали пахта етиштиришни кўпайтирайлик.** 15.10 — Олмосининг ранг-баранг қирралари. 16.10 — **Октябрь менинг тақдиримда.** 19.00 — Ўнинчи беш йиллик йилномаси. 19.20 — **«Ёшлик»** радиостанциясининг программаси. 20.25 — Қорақалпоқ қўйлари. 21.00 — Т. Ражабий шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 22.00 — **Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт.** 22.30 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 22.40 — Юлдузларга бўлдим ҳамсоя (шеърхонлик). 23.15. — Дам олиш концерти.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР: Коммутатор — 330249 дан 330258 гача Эълонлар — 338142

Р — 01324. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Г. — 84.